



# ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ



ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ  
ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРАН  
ЧИҚА БОШЛАГАН

● № 30 (9526).

● 1989 йил II февраль ● Баҳоси 5 тийин.



## Афғонистон турхумидан

### ЗАМИН ТАФТИ

Она ер, қучоқ оч, ўғлонинг келди,  
Кетишда тишлатган ўз нонингни тут.  
Юртидай қўриқлаб қўшни бир элни,  
Фидо бўлганларга сақлайлик сукут.  
Фақат бир илтимос, саволга тутиб,  
Қўзғатма мардларнинг ўтиши дардини.  
Улар тўйинмоқда кўзларга суртиб,  
Таилгайни кўтарган замин гардини.

### ГОСПИТАЛДА

Тошкент госпитали, сокин палата.  
Аста одимлайман бир жағғич томон.  
Енида ҳамшира. Оппоқ халати  
Негадир лола ранг, этаклари қон.  
Блокнот, ружкага солди-да, рази,  
Нажоткор тўхташга берди ишора.  
Сўнг деди: «Бугунмас, кейинроқ ёзинг,  
Эвдигина ухлади солдат бечора».  
Мард йигит юзига ташладим ингоҳ.  
Еноғида йилтирар икки томчи ёш,  
Кейин ҳолатидан бўлдим мен огоҳ,  
Қуршабди вужудин аламли оташ.  
Оқ чойшаб остида бўлиб у лоҳас,  
Енгарди бир мудҳиш дарднинг қийноғини.  
Ярим тана билан оларди нафас,  
Жарроҳга топшириб икки оёғини.

### ОНА ФАРЁДИ

Унинг ўғли ёлғиз эди—дилбади  
Саламда мардларча бўлганди ҳалок.  
Шум хабар келганда дод солиб ёнди,  
Еш тўкди, бағрини этиб чоқу чоқ.  
Ойлар ҳам ўтдилар, ўди йиллар ҳам,  
Ғам ўрнин сал босди бардош, тасалли.  
Аммо ўғлонини унутмас бир дам,  
Юрагин бўшатар ногоҳ ув солиб.  
Бугун у экрандан узмас кўзларини,  
Омон қайтганларга қилади ҳавас,  
Ич-ичдан эзilib, унсиз бўлайди,  
Сен ҳам кела қолсанг нетарди, Аваз,  
Бахтли оналарга ўхшардим мен ҳам,  
Қўлингга тугардим турфа гулларини,  
Эдинг-ку, ёлғизим жонимга малҳам,  
Нега раво кўрдиг қора кўнларини.  
Анови онадек бағримга босиб,  
Меҳринга тўйрдим юз-кўзинг силаб,  
Нон—тузга эдинг-ку сен ҳам муносиб,  
Олгандим мен сени тилаб ва тилаб.  
Йўқ, йўқ, ғаразлардан ҳолиман минг бад,  
Омон қайтганларнинг ҳаммаси ўғлим.  
Аслида урушга минг бора лаънат,  
Нега даркор эди ёшларга ўлим?!  
Майли фарзандгинам, сокин ором ол,  
Фарёдим ёзаман, қучиб қабрингни,  
Ўғлонлар умри ҳеч кўрмасин завол,  
Ҳеч она тортмасин уруш жабрини...  
Қабристон томонга одимлаб она,  
Жуғуядек ҳар ёнга борар алаңглаб,  
Худди хаёлида почтаълон яна  
Шум хабар келтирган ҳозир Саламдан.

### ИРОДА

Спортнинг бу тури эмасди одат,  
Футбол ўйнамоқлик қўлтиқ таёқда,  
Майдонда югуриб навбатма-навбат,  
Тўп тегиш бўлмаган ёғоч оёқда.  
Улар-чи, завқларан ўзин унутиб,  
Бир-бирин қучоқлар ҳар бир гол учун.  
Оёғи бутлардан аълороқ тутиб,  
Нигитлар кўрсатар ирода кучини.

САИД ВАЛИ

(ЎЗТАҒ).

Б. Юсупов фотолари.

кутиб олмоқда.

СУРАТЛАРДА: она-Ваҳан ўз ўғлонларини

# ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ СЕССИЯСИ

10 февралда йигирманчи ҳақиқат халқ депутатлари Тошкент об- ласть Советининг саккизинчи сессияси бўлиб ўтди.

Сессия олдидан Совет партия группасининг мажлиси бўлди. Мажлисини об- ласть партия комитетининг иккинчи секретари Р. А. Попов олиб борди.

Партия группаси сессияни олиб бориш ва унинг кун тартибини маълумлади.

Сессия кун тартибидagi ташиқий масала юзасидан Совет партия группаси таклифини сессияда эълон қилишни об- ласть партия комитетининг биринчи секретари М. М. Мирқосимовга топширишга қарор қилинди.

Сессияни халқ депутатлари об-

ласть Советининг раиси А. П. Алимов очди.

Мандат комиссияси аъзоси А. В. Крайновнинг Тошкент об- ласть Советига янги сайланган депутатларнинг ваколатларини тан олиш тўғрисидаги доклады тинг- ланди.

П. М. Абдураҳмонов Узбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари қилиб тайин- ланганлиги муносабати билан сессия уни халқ депутатлари Тошкент об- ласть Совети ижроия комитети раиси вазифасидан озод қилди.

Сессия илгари халқ депутатла- ри Самарқанд об- ласть Совети иж- роия комитети раиси лавозимиди- я ишлаб келган А. А. Йўлдошевни халқ депутатлари Тошкент об- ласть

Совети ижроия комитетининг раис- и этиб сайлади.

Сессия кун тартибига киритил- ган йигирманчи ҳақиқат халқ де- путатлари об- ласть Совети депу- татларининг аввалги сессияларда баён этган танқидий фикр-муло- ҳазалари ва тақлифларининг кан- дай бажарилаётганлиги ҳамда об- ласть Совети ижроия комитети- нинг «Тошкент об- ласть халқ ҳў- жалигини бошқариш структураси- ни такомиллаштириш тўғрисидаги қарорини ва унга қўшимчалар- ни тасдиқлаш ҳақидаги масалалар юзасидан об- ласть Совети ижроия комитети раисининг биринчи ўрин- босари О. Г. Айдаков ахборот берди.

Сессияда об- ласть Совети иж- роия комитети раисининг ўринбо- сари Л. П. Тернових план-эконо- мика бош бошқармаси бошлиғи- нинг ўринбосари, Х. А. Аҳмедов об- ласть уй-жой-коммунал ҳўжали- ги ишлаб чиқариш бирлашмаси бошлиғи, Ю. И. Икромов об- ласть бирлашмасининг бошлиғи, Е. С. Бо- зорбоев об- ласть юстиция бошқар- маси бошлиғи, С. Н. Раҳматуллаев об- ласть пассажирлар ташув ав- то- транспорт бирлашмаси бошлиғи қилиб тасдиқландилар.

Муҳокама элтидан барча маса- лалар юзасидан қарорлар қабул қилинди.

Уртоқ Абдуваҳоб Абдусамодо- вич Йўлдошев 1937 йилда туғил- ган, ўзбек, 1972 йилдан КПСС аъзоси, олий маълумотли, Самар- қанд қишлоқ ҳўжалик институтини

туғатган, қишлоқ ҳўжалик фанла- ри кандидати.

Меҳнат фаолиятини 1960 йилда Гулистон районидagi «Социализм» совхозда кат- та зоотехникликдан бошлаган, бош зоотехник бўлиб ишлади. Узбекистон чорвачилик илмий тадқиқот институтининг аспирантурасида ўқиди, сўнгра шу институтда ки- чик илмий ходим, катта илмий ходим, бўлим мудирли бўлиб иш- лади.

1974 йилдан бери партия иши- да, Узбекистон Компартияси Мар- казий Комитетида сектор мудирини, қишлоқ ҳўжалик бўлими мудирининг ўринбосари, биринчи ўрин- босари бўлиб ишлади.

1985 йилда халқ депутатлари Самарқанд об- ласть Совети иж- роия комитетининг раиси қилиб сайланди.

Меҳнат Қизил Байроқ, «Хўрмат Белгиси» орденлари ҳайрат ма- мукофотланган.

## Демократия мактаби

НИХОЯТДА қийин ва оғир вазиятда ўтган ҳисобот йиғи- лишида ҳамма масалалар кўри- б бўлинди. Энди раисни ёпиқ ёки очиқ овоз бериш йўли билан сайлашни келишиб олиш зарур эди. Бу масала ўртага ташланганда яна тортишув бош- ланди.

Мажлисида қатнашаётган рай- он партия комитетининг бирин- чи секретари Хайрулла Пирна- фасов ёпиқ овоз бериш билан сайлашнинг афзаллигини ҳар қанча тушунтирмасин одамлар унинг гапини инобатга олишни истамедилар.

Афсус, чакки қилдилар. Шун- дай йўл билан сайлов ўтказил- ганда эди ортиқча гап-сўз, ги- нааларга, эҳтиомлики, шикоят- бозликка ҳам ўрин қолмасди.

— Кимни раисликка тасвия этишни ўзларингиз ҳал қила- сизлар,— деди Хайрулла Пир- нафасов. Асаблар таранг тор- тилган эди, Чунки вазият кес- кин, беш соатдан буён маж- лисбозлик қилинган. Кошки эди тинчгина, осойиштагина ўтаётган бўлса...

Узи гап нимада? Нега ҳисо- бот йиғилишини ўтказиш бун- чалик чўзилди? Биринчи маж- лис 20 январда бўлиши керак эди. Қолдирилди. Иккинчи маж- лис 6 февралга белгилан- ган эди: бир группа кишилар томонидан об- ласть партия комитетига ва яини пайтда рай- он партия комитетига колхоз раисининг хатти-ҳаракати, фао- лияти устидан шикоят тушган бўлиб, текшириш якунлари мажлисида муҳокама қилиш та- лаб қилинаётган эди. Шунки ку- тиб туришди. Шикоят хатига бир вақтлари колхозга узоқ йиллар раислик қилган Нар- зикул Набиев ва унинг акиси Раҳим Набиев, пенсионерлар- дан Сардор Жумаев ва бош- қалар — ҳаммаси бўлиб 50 киши қўл қўйган эди.

Шикоят элак-элак қилиб тек- ширилди. Якун чиқарилиди. Ну- фузли комиссия ҳақиқатдан ҳам Номоз Очилов ўз ишида жи- дий ҳатоликларга йўл қўйган- лиги, меҳнат интизомини бў- шаштириб юборганлиги, мол- я интизомини бузганлигини, ўз мансабини суиистезом қилиб, колхоз кассасидан ортиқча аван пулларини қарзга олган- лигини аниқлади. Райком био- росида унга шахсий ҳисоб кар- точасига взиш шарти билан қаттиқ ҳайфсан берилди.

Лекин шикоятчилар бу якун- дан қаноат ҳосил қилмадилар. Бу қанақаси? Минг-минглаб пуллар созурилган бўлса? Моддий бойликлар исроф қи- линса, Очиловга жиддий жазо чораси кўрилмасе? У бундан буён ҳўжаликка раҳбарлик қи- лишга қодир эмас. Уни ишдан олиш керак. Бошқа раисни сайлаш зарур...

...Бутунги йиғилишда ана шу масала ҳал қилиниши керак эди. Садриддин Айний номли 25-ўрта мактабнинг клубига одамлар лик тўлди. Ҳамма мажлисининг бошланишини сабрсизлик билан кутарди. Ай- римлар эрталабдан келиб, жойлашиб олишди.

— Модомики, биз вакиллар йиғилишини ўтказишга қарор

қилган эканми,— деди рай- ком секретари залга кўз югур- тирар экан.— Унга амал қили- шимиз керак. Бу ерда эса ва- қил бўлмаганлар ҳам қўлга ўхшайди.

— Бироқ барибир мажлис ўтиши керак,— залдан овоз- лар келди.

— Ундай бўлса, фақат, ва- қилларнинг ўзлари қолишин.

Шундан сўнг тўлланганларга зални тарз этиш таклиф этил- ди: вакиллар рўйхат бўйича бирма-бир киритилади. Ҳамма гурр этиб кўзғолди. Лекин ҳам- маси йигирмага яқин киши ўр- нидан туришни ҳавелига ҳам кел- тирмади. Қайта-қайта айтили- шига қарамай, улар мўй- мўй, гўёки михлаб қўйилган- деб ўтираверилди. Асаблар тобора таранглашди.

— Райком бува, Очиловни ишдан бўшатиш масаласи ҳал қилинадими, йўқми?

— Унинг ишда қолиш-қол- маслигини умумий мажлис ҳал қилади.

РАПО раиси, район партия комитетининг бюроси аъзоси Раҳим Ёқубов шикоятга банд- ма-банд тўхталди. Раисга қў- йилган айблар нима-ю, текши- ришда улар қанчалик тўғри ёки нотўғри эканлиги бирма- бир тушунтирилди.

Лекин Набиев ўтирган жойи- дан дам-бадам луқма ташлаб кўр эди.

— Нотўғри! Бу гапларга ишонманглар одамлар!

У бундай гапларни айтиш билан ҳам қаноатланмади. Тик туриб олиб, қўлидаги ҳужжат- ларга бирма-бир кўз югурти- риб, РАПО раисининг гапини тўхтатиб, унга турли лик са- воллар бера бошлади. Бу са- волларга аниқ исбот-далиллар талаб этди. Раҳим Ёқубов ҳам бўш келмади. Фактларни қал- шатириб ташлади. Қаранг- а, галати эмасми? РАПО раиси «жиноятчи-ю», Раҳим Набиев «терговчи»дек тўлуларди ки- шига, Албатта, бу ҳолат залда ўтирганларнинг фашига тегди.

мом. Мен энди Пирнафасов билан олишаман.

У музокара учун сўз сўра- ди. Бошидан писанда қилиб қўйди:

— Аслида музокара учун 10 минут вақт белгиланган. Ле- кин менга ярим соат вақт бе- расизлар,— деди у.

— Майли,— деди кўпчилик. У минбарга чиқиб олиб, ўша шикоятдаги фактларни бирма- бир санай кетди. Ярим соат- дан ҳам ошдики, унинг гапи тугамасди. Залда қийқирик бошланди:

— Тушиб кетсин! Бўлди! — Яна беш минут. Беринг- лар,— деди у президиумга қа- раб.

— Майли, гапи ичида қолиб кетмасин,— дейдишди.

У икки-уч оғиз гап айтган эди, яна залда норозилик ку- чайди. Набиев ноилоҳ минбар- дан тушишга мажбур бўлди. Бригадир Файз Носиров сўзга чиқди. У энди гап бош- ларган ҳам эдики, Набиев унинг

ламан,— деди у. Номзодлар очиқ овозга қў- йилди. Кўпчилик Номоз Очи- ловни қайтадан раис қилиб сайлади.

...Тўғриси айтганда ўша кундаги мажлис кўпчилида, шу жумладан, менда ҳам но- ҳуш кайфият ўйғотди. Аввало, одамлар ўртасида бир-бирига ҳўрмат, иззат-оқибат қолмаган- лиги мени ҳайратга солди. Ахир қолаверса, бу ҳисобот йиғилиши эди-ку? Бироқ, ҳисо- бот доклады билан деярлик ҳеч ким қизикмади. Ҳўжа кўрсин учун, номогина тинглашди уни. Ахир муаммолар, ҳал эти- лиши лозим бўлган социал ма- салалар бу қишлоқда ҳам тў- либ ётибди-ку? Мавриди кел- гандан фойдаланиб ҳисобот йиғилишида кўпроқ ана шулар ҳақида маслаҳатлашсин, кол- хознинг ишини ҳар жиҳатдан яхшилаш, рентабеллигини оши- риш ҳақида фикрлашиш ўрни- ли бўлмасмиди? Ахир бир қишлоқда яшайдиган, бир ериктдан сув ичадиган, тўй-ха- шамда, гурунларга доим бир- га бўладиган, бир-бирларининг кунарига ярайдиган одамлар- нинг масалани, муаммони ёти- ги билан ҳал қилиш, бир-бир- ларини берилиб тинглаб, холис фикр айтиш ўрнига ачиқ-чу- чук гаплар билан бир-бирлари- нинг асабларига тегишлари ин- софданми?

Мен бу билан шикоятчилар, аризачилар бутунлай ноҳақ, деб айтамоқчи эмасман. Эҳти- мол, улар бекорга жон куй- диришмаётгандир? Эҳтиомл улар келтирган фактлар син- чиллаб текширилса, тасдиқла- ниши ҳам мумкин. Бу бизга ҳали қоронғи.

Афсуски бу оддий ҳақиқат- ни шикоят ёзганлар тушунми- ни истамасди. Нега улар ҳақ бўлиши керак-ку кўпчилик но- ҳақ бўлиши керак!

Сардор Жумаевнинг фикри- ча раис кўпчиликини ўзига оғ- дириб олганми. Шунинг учун халқ уни сайлаганмиш. Бу гап- да қандай мантис бор, ахир! Раис бориники, ўн кишини, йигирма кишини, бориники, эллик-олтмиш кишини қўлга олсин. Ахир залда ўтирган 700 га яқин кишининг 600 га яқини унинг учун овоз бер- дику.

Номоз Очиловга ҳам айта- диган гапимиз бор. Халқ сиз- га ишонган экан, бу ишончини амелий иш билан оқлашга ҳа- ракат қилинг. Ишни шундай тўғри ташкил этиш, адолат- парвар бўлиш, муомилани ўрнига қўйиш керак-ки, ҳеч қандай гап-сўзга ўрин қол- масин.

Кўпчилик ютиб чиқди. Кўп- чилик ҳақ деб ўйлаймиз. Ле- кин бошқа бир масала ҳам бор. Демократия — бу ўзбо- шимчилик, ошкоралик эса ан- дишасизлик эмас. Демократия- ни ўрганиш, бериб қўйилган имкониятлардан истифода- ни кўзлаб, кўпчиликининг манфа- атини ўйлаб, оқилона фойдала- ниш зарур.

Н. РИХСИЕВ, «Тошкент ҳақиқатининг махсус музбири.

## КИМ ҲАҚ-У, КИМ НОҲАҚ? БУКА РАЙОНИДАГИ ТИМИРЯЗЕВ НОМЛИ КОЛХОЗ ҲИСОБОТ-САЙЛОВ ЙИГИЛИШИДАН

— Раҳим ака ўтирсин! — Нима, мажлис бир киши билан ўтадимиз?

Лекин Набиев бундай гапларни эшитса ҳам эшитмаслик- ка олиб, пинагини бузмасди.

— Мен аниқ жавоб ололма- яман. 1986 йилда салкам 21 ким сўм пул нима учун ке- чиқ юборилди? Уни кимлар ўлаштирган?

Район прокурори масалга аниқлик киритди.

— Бу ҳақли талаб,— деди у, — Ҳақиқатан ҳам бу пуллар сизларнинг, кўпчиликиники. Бу сизларнинг ҳақингиз. Шунинг учун ҳам биз бу ҳақда про- тест ёзганмиз. Қайта текши- риш ўтказилди. Ҳаммаси аниқ- ланади. Лекин қайтариб бўл- са ҳам яна бир айтиб қўяй.

Мен Номоз Очиловни жиноят- чи деб айта олмаيمان. Унинг хатти-ҳаракатида бундай деб айтиш учун асос бўладиган да- лиллар ҳозирча топилмади.

Бироқ бир гуруҳ одамлар бу гапларни тушунини сира- сира истамасди. Пенсионер Сардор Жумаев сўзга чиқиб дилидагини яширмай очиқ айт- ди.

— Сизлар масалани нотўғри ҳал қилаясизлар. Биз норози- ми. Энди бу ҳақда Москвага ёзмам,— деди у.

Раҳим Набиев яна ўрнидан туриб келди:

— Ҳозир модомики ошқора- лик, демократия даври экан бунга нега амал қилинмайди? Биз ўйлаган иш бўлмади. Энд- и Очилов устидagi гапим та-

қўлидан микрофони тортиб олишга ҳаракат қилди. Лекин кўпчилик бунга йўл бермади.

Асабий ҳолатдаги мажлис ана шу зўлда давом этарди. Яна қанчадан-қанча гаплар ай- тилди, ўринсиз таъна эътироз- лар бўлди.

— Бу қанақаси!— деди мин- барга чиққан 4-бригада бош- лиғи Гадоимурод Қурбонов.— Умрим бина бўлиб бунга тартибсиз, бош оғриги маж- лисни энди кўришми, Биров- га айб қўйиш осон. Ҳўш, ана шу айбни билар эканми, нега бошида олдини олишга ҳа- ракат қилмаймиз? Нега «хал, се- нимки, қачон мажлис бўларкин, ўртага бир тўкиб солиб, кўп- чилик олдида сени шарманда қилай», деб юраемиз. Ахир биз кимларга ибрат кўрсатаямиз? Бунки қаранг-а? Мажлис мак- табда ўтказилган. Икки кун- дан буён бўлаётган гапа-го- лар, тўс-тўполондан мактаб ўқувчилари ҳайрон. Нима бў- лаяпти, ўзи деб ажабланишяпти. Биз уларнинг тарбиясини буза- ямиш. Хар ким, аввало, ўзига ўзи ҳисоб берсин. Терговни ўздан бошласин.

Ниҳоят музокараларни тўх- татишга қарор қилинди. Боз сўзга чиққанда Раҳим Набиев янги раисликка колхознинг бош инженери Абдураҳмон Қизилбековани тасвия қилган эди. Кўпчилик колхозчилар эса Очиловнинг ўзи қолсин, деб турари олишди. Қизилбековдан сўрашди: раисликка розими- сиз, зплай оласизми?

— Халқ ишонса ҳаракат қи-

ТАБИАТ ВА ИНСОН



# ЗАҲРИ ШИФОБАХШ

(Илонхонадан репортаж)

ЕР ЮЗИДА не жонзот борки уни жонидан маҳрум қилишга ҳаққимиз йўқ. Зеро она табиатнинг ўз қонуниятлари бор. У донолик билан яратган ҳар бир мавжудот зарурат туфайли юзга келган. Лекин кейинги пайтда «Ҳамма нарса инсон учун, инсоннинг бахт-саодати учун» деган тушунча мутлақо эгоистик тус олиб кетганди. Бу кўпларни ташвишга сола бошлади. Ахир биз табиат қонунларига нисбатан бўлган энг оддий ҳурматни ҳам унутиб қўйгандик. Жумладан, заҳарли илонларни улар яшайдиган майдонлардан қисиб чиқара бошлаганимиз ва бошқа шунга ўхшаш қилган ишларимизни қандай баҳолаш мумкин. Мутахассисларнинг таъкидлашича, фақатгина республикамизда заҳарли илонлар яшайдиган жойлар кейинги ўн йил ичида деярли уч баравар қисқариб кетди.

Аҳолини табиатга нисбатан онгли муносабатда бўлишга ўргатишга қаратилган ташвиқот-тарғибот ишларининг олиб борилмаганлиги, бу муҳим иш билан шуғулланадиган бирон бир расмий ташкилотнинг бўлмаганлиги ҳам шундай оқибатларга олиб келди. Табиати муҳофаза қилиш жамиятлари эса бу соҳадаги ишларини кенг авж олдиришга дастлари қисқалиб қилаётган эди. Энди ана шундай вазифани Тошкент зоокомбинати коллективи ўз зиммасига олди.

Илгари комбинатда ҳам бундай имконият йўқ эди. У СССР овчилик бош бошқармасига бўйсунарди. Шу ташкилот буюртмаси асосида аквариум ва қуш боқиш учун мўлжалланган саватчалар билангина иттифоқ миқдосига чиқарди. Бошқа республикалардан эса турли сайроқи қушлар, балиқ ва шунга ўхшаш жонзотлар, улар учун озик харид қилиб зоомагазинларга етказиб берарди. Қисқа қилиб айтганда фақат олди-соти ишлари билангина шуғулланарди. Республика табиати муҳофазаси уларга дахлсиз қоларди.

Ўтган йилнинг май ойидан эса комбинат республика ихтиёрига топширилди. Шундан кейин республика миқдосидати ва ҳужалик ҳисобида ишловчи зоокомбинатда ноёб жониворлар турларини илмий асосда кўпайтириш билан шуғулланувчи махсус бўлими ташкил қилинди. Лабораторияга табиат шайдоси Артур Сергеевич Нурижонов раҳбарлик қилмоқда. У ёшлигидан ноёб жониворларни хонаки усудда кўпайтириш билан шуғулланиб, ҳатто чет элларда ҳам жуда кўплаб дўстлар орттирган. Унинг Анг-

лия, АҚШ, Чехословакия, ГДР ва бошқа кўплаб мамлакатларда касбдош дўстлари бор. Улар турли халқаро йигилишларда, баъзан халқаро орқали тажриба алмашиб туришади.

Лабораторияда олиб бориладиган ишларнинг дастлабки самаралари ҳам кўзга ташланмоқда. Хонанинг бир томонига қўйилган яшчиларга қум солиб, худди чўлдагидек шароит яратиб қўйилган. Қум устида эса чет элдан келтирилган ола-була калтакесакчалар чопиб юрарди. Бу галати жониворларнинг чақчайиб турган қўллари ва чаққон ҳаракатлари уларни жонли мавжудотдан кўра атайин кишининг заъини келтириш учун йўлаб топилган ўйинчоққа ўхшатиб юрарди. Ҳозир бу ерда бир неча турдаги ана шундай калтакесаклар боқиляпти. Уларни Артур Сергеевичга турли мамлакатлардаги табиатушнос дўстлари совға қилишган. Лабораторияда уларни кўпайтириш устида ишлар олиб борилади. Артур Сергеевич эришган яна бир муваффақият ҳақида гапириб ўтиш ўринли. Ўтган йили даладан тутиб келтирилган илони туҳум қўйди. Ундан янқубация йўли билан илон очиб чиқарилди.

Лабораторияда ҳозирча уч киши ишлаяпти. Артур Нурижонов атрафияга ўзи каби жониворлар оламга қизиқувчи, шу соҳани яхши биладиган ёшларни олди. Уларнинг бири Марина Пестова илгари зоология институтида лаборантка бўлиб ишлаган. Бир вақтда ТошДУнинг биология факультетини таҳсил қў-

ган. У бу ерда заҳарли бўғиноқчиларни кўпайтириш билан шуғулланиш ниятида. Ахир кўзойнакли илоннинг бир грамм заҳри 135 сўм, қора чаённинг захридан тайёрланган бир грамм нейротоксин ўн олти минг сўмгача баҳоланади. Қора курт захридан олинган шунча нейротоксин эса 500 минг сўм туради.

Ҳозир зоокомбинат коллективи бошқа мамлакатлар билан ташқи савдо алоқаларини йўлга қўйиш ҳаракатида.

Дастлаб хорийик буюртмачилар билан ўзаро келишилган нархларда савдо-сотиқ олиб боришимизга рухсат беришга яхши бўларди, — деди бўлим мудири Олег Иванович Царук

бу ҳақда гапириб. — Жаҳон бозорига заҳар етказиб бериш билан кўп нарса ютаемиз. Айтилик илонлар бошига мослаштирилган яшчилар оламиз. Ахир ҳозир илонлар боқиладиган яшчиларимиз гигиена талабларига жавоб бермайди. Қолаверса ноёб жониворларни боқишга қизиқувчиларга жониворлар билан бирга уларнинг емишларини ҳам етказиб бериш керак. Уларни тайёрлаш технологиясини ҳам чет эллардан харид қилиш мумкин.

Газандалар захридан биринчи навбатда медицинада айрим касалликларни даволашда фойдаланилмоқда. Бундан ташқари олимларимиз унинг бошқа хусусиятларини аниқлаш устида изланиш олиб бормоқдалар. Жумладан, пахта ва бошқа маданий ўсимликлар зараркувандаларига қарши курашда ҳам шу табиий ресурслардан фойдаланиш мумкинлиги ўрганиляпти.

Лекин ҳозирча бу қимматли маҳсулотни етказиб берувчи бўлим ишини кенг ривожлантириш учун база етарли эмас, — дейди у сўзини давом эттирар экан. — Шунинг учун Сурхондарёнинг қорақўртлар кўп бўладиган зоналари ва Қорасув дарёсининг чарх илонлар яшайдиган қуйи қисмларида комбинатнинг очиқ майдондаги филиалларини ташкил қилиш учун ер акратиб берилса айна мудабо бўларди.

Бўлим ходимлари ўтган йил сентябрь ойида шу масалада республика Министрлар Советига хат билан мурожаат қилишган эди. Лекин у ердан жавоб олинту-

нича мазкур ерлар ҳам ўзлаштириб юборилди. Филиал учун эса ҳайдалмайдиган, мутахассислар тили билан айтганда «ёввойи» ерлар керак.

— Урта Осиёда илонлар йил сайин камайиб кетмоқда, — деди А. Нурижонов, шу хусусда мулоҳаза билдириб. — Баъзан овга чиқиб, куни бўйи биронта илон топа олмаймиз. Шундай пайтда аҳоли яшайдиган пунктларга яқин жойлардаги илонларни ўлдирмаслик керак. Уларнинг итини бизга кўрсатиб беришга яхши бўларди. Умуман биз одамларимизни илонларга онгли муносабатда бўлишга ўргатишимиз керак. Чунки, ҳозирги пайтда шаҳарликлар у ёқда турсин, ҳатто, қиллоқларда ишловчилар ҳам заҳарсиз илонларни заҳарли илонлардан ажрата олишмайди. Шу йилдан бошлаб ўлган илонларни махсус химикат солинган қолбаларга жойлаб мактабларга етказиб берамиз. Улар ўқув қуроли сифатида хизмат қилади. Бу ёшлиқдан илонлар ҳақидаги тушунчанинг мустақамланишига ёрдам бериши, шубҳасиздир.

Бундан ташқари илонлар ва бошқа жониворлар ҳақида махсус брошюралар ҳам чиқара бошлаймиз, — сўхбатга қўшилди Олег Иванович. — Уларда жониворлар ва уларнинг яшаш тарзи, аҳамияти ҳақида ҳикоя қилувчи, боқиш йўллари ўргатувчи турли илмий ва бадиий-публицистик материаллар бўлади.

Ҳозир эса илон овловчилар ҳар йили юзлаб илонларни тутиб, табиатга ўрини тўлдириб бўлмас даражада зарар келтиришмоқда. Комбинатнинг заҳар олиш учун илонлар боқиладиган серперантийсиз эса илон боқишга амал-тақал қилиб мосланган бинода жойлашган. Бу ҳам илонларнинг шароитта мослаша олмаб ўлиб кетишига сабаб бўлмоқда. Янги бино қурилишини эса 2-Облагропромстрой» трести бунёдкорлари бир неча йилдан бери асоссиз равишда чўзиб келишмоқда. Бундан ташқари бу ерда ўлкамизнинг чўл зоналаридан ҳам, тоғларидан тутиб келтирилган илонлар ҳам бир хил температурада боқилади. Бу уларнинг интенсив заҳар ишлаб чиқариши учун керак. Лекин бу ҳам илонларнинг соғлигига салбий таъсир қилади, тез ўлиб кетишига сабаб бўлади. Шунинг учун ҳам бўлим ходимлари республикамиз территориясидаги паррандалар ва жониворларни ҳисобга олиб, улардан рационал фойдаланиш тартибин ишлаб чиқиши ҳам ният қилиб қўйинди.

М. ҚОСИМОВА.

СУВ ҲАВЗАЛАРИ МУСАФФО БЎЛСИН

## ҚАЧОНГАЧА БУЛГАТАСИЗ?

БЕКОБОД цемент комбинати ўзининг ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун кўп миқдорда сув сарфлайди. Бироқ, ачинарлики шундаки, фойдаланилган бу оби-ҳаёт турли хил заҳарли моддалар қўшилган ҳолда туғридан-туғри Киров каналига оқизилади. Сув айнақса, труба-шифер ишлаб чиқаришда ниҳоят даражада ифлосланади. Унинг составиди заҳарли моддалар кўпайиб кетади. Аммоний азоти, нитратлар йўл қўйилиши мумкин бўлган миқдордагидан ортади.

Бунинг асосий сабаби нимада? деган ҳақли савол турғилади. Шунга айтиш кераки, бу ерда оқва сувларни тиндириш учун ҳовузлар бор. Улар табиий. Бироқ бу ҳовузлар ҳозир талабга жавоб бермай қўйди. Сув оқаваси кўп бўлгани учун уни ҳовузларда узоқ вақт тиндириб қўйишнинг иложи бўлмапти. Бунинг устига ҳовузлар дойча билан тўлиб қолган. Уларни вақтида тозалаб туриш керак. Амалда эса шундай қилинмапти. Шу юмшун бажариш юзасидан белгиланган графика ривож этилмайди. Оқибатда оқва сувлар етарли даражада тозаланмасдан каналга оқизиб юборилмоқда. Бу қанчалик катта зарар келтираётганини таърифлаб ўтирмаса ҳам бўлади.

Очинган айтганда комбинатдаги бундай номоқабл аҳвол ҳақида биринчи марта ёзилаётгани йўқ. Бу ҳақда жуда кўп гап бўлди. Лекин корхона раҳбарлари, айнақса бош энергетик хизмати ҳар гал ваъда беришдан нарига ўтмайди. Ваъда билан эса иш битмайди. Амалий ишга кўриш керак. Аввалро ишлатилган сувни тиндириш лозим. Йилга кўрмас мавжудларини тез-тез тозалаб туриш керак. Бунинг учун эса кўп маблағ ёки ишчи кучи зарур бўлмайди. Фақат ҳафсала керак. Корхона раҳбарларида ҳозирча шу нарса етишмай туринти.

Р. ИБРОҲИМОВ.

## ҲАР - ТУҒРИДА

### ҚУШ ОВОЗЛАРИ


БРИТАНИЯ радиозинтириш корпорацияси фонетикасида — энг оддий сидан тортиб ниҳоятда ноёб қушларнинг, тўрт юздан ортиқ овозлари ёзиб олинган. Венгриялик орнитолог М. Орега эса бир неча ўн йиллардан бери ўз кучи ва билимини паррандаларнинг «сўхбат»ни тушланишга сарфламоқда. Бизнинг мамлакатимиз ҳам қолтирмапти. Ленинград давлат университетиде йигирма йилдан ортиқроқ давр мобайнида саксон турдаги қушларнинг салкам етти юзта турли овозли сигналлари ёзиб олинган.

### ФАМИЛИЯ ЙИГУВЧИ

ГФРлик М. Роден шунга қизиқади. У ҳар кун қўлга қайчи олиб, газеталар, журналлар, рекламалар, эълонларни кўришга киришади. Унинг коллекциясида мавзу бўйича классификация қилинган олти мингта яқин намуналар бор. Коллекцияларнинг бирини эгаси қасбига тескари маънода бўлган фамилиялар йиғилган. Масалан суратқаш Заснегов ёки чўпон Волков (улар таржимада тахминан шундай айтилади).



▲ СУРАТЛАРДА: лаборантка Марина Пестова Янги Гвинейдан келтирилган калтакесакларнинг ноёб тур-



ри фансигнатус билан; лаборатория мудири Артур Нурижоновнинг қўлидаги бўғма илоннинг ватани Жанубий Америка. М. Назаров фотолари.

Социал масалалар бўлимига: СУД ҲУКМИДАН КЕЙИНГИ ҲАҚИКАТИ

ОЛДИНДАН айтиб қўйлик, Бўстонлик район халқ судининг автобус ҳайдовчисига нисбатан чиқарган ҳужмага эътироз билдирмоқчи эмасми, тергов органлари билан баҳслашиш фикридан ҳам йироқмиз. Биз фақатгина шу тўқнашувни очигина эътибор қаратишни лозим бўлган айрим фактлар ҳақида фикр билдирмоқчимиз, ҳоло.

1987 йилнинг 24 июль кунини Тошкент — Чимён трактининг 54 километрга йўл транспорт ҳодисаси содир бўлди. Шу йилнинг 14 август кунини Бўстонлик район ички ишлар бўлими тергов бўлини маси ходими Б. Хайруллин «Мотоцикли» К. Мусоев қувиб ўтиш қондасини бузиб автобус билан тўқнашган. Натижада пассажир Нормимбоев ва Мусоев тан жароҳати олиб, марказий район касалхонасига ётқизилди. Шунга қўра Б. Хайруллиннинг ўзбекистон ССР Жиноят кодексининг 208-модда 1-қисми билан тайёрланган жиноий иш қўзғаш тўғрисидаги қарорини район тергов бўлими бошлиғи Аскарлов тасдиқлайди.

«Дело»да тўқнашув қуйидагича ифода этилади: «Машина бошқаришга ҳуқуқи бўлмаган мотоцикличи Мусоев Ғазалкент шаҳридан Чорвоқ посёлкаси томон кетаётганда «Ғазалкент» ресторани қаршида автобусни қувиб ўтмоқчи бўлди. Чап томонга бурилмоқчи бўлган «ПАЗ-672» автобусининг олдинги чап гилдирағига бориб урилди».

Тўқнашувнинг сабабчилари кимлар? Автобус ҳайдовчиси С. Икромов 1983 йилдан Бўстонлик автобус-таксимотор паркда ишлайди, умумий ҳайдовчилик стажини 14 йил. К. Мусоев, 1966 йилда туғилган, ҳайдовчилик стажини йўқ. Ж. Нормимбоев Мусоевнинг тенгдоши, ҳам иккиси ҳам авария содир бўлгунча ҳақтинчалик ҳеч қаерда ишлашмаган.

Авария содир бўлган жойга етиб келган район ГАИ бўлими инспектори А. Шоубқубов воқеа бўлган жойни ўрганиш протокоliga ёзади: «...Номерсиз мотоциклини нотаниш шахслар номатлум томонга олиб кетдилар... Автобуснинг олдинги чап томондаги подножкиси қирқинчи йилдан узлиб туганган. Автотўқнашга яқин жойда асфальтда автобуснинг тортоқдан кейин қолган қора чизик бор: унинг раэмери 4,55 сантиметр. Йўлнинг чап томонида эса қон излари бор».

Бўлган воқеа шу. Воқеанинг ҳужжатлар асосида тафсилотда дастлабки тергов дебрида «Мотоцикличи К. Мусоев қувиб ўтиш қондасини бузиб, автобус билан тўқнашган» деган сўзлари Мусоевнинг айби ҳақидаги дастлабки маълумот деб қараса бўлмайди! Энди йўл транспорт ҳодисасининг иштирокчиларидан олинган тушунтириш хатлари билан танишамиз. «Авариядан сўнг болалар мени бу ердан кетишимни илтимос қилиши, мотоциклини эса оғайнларини олиб кетишларини айтиши» деб ёзади С. Икромов. К. Мусоевнинг район ички ишлар бўлими бошлиғи номига айтиб турган тушунтириш хати: «Мотоциклининг тезлиги соатига 35—40 километр эди. Автобус билан орамада 15—20 метрлар қолганда у йўл томонга бурилиш чирогини ёқди. Уни тўхтайти, деб ўйлаб чап томондан қувишга чиқдим. Кейин автобус чапа бурилди, мен ҳам мотоциклини чап томонга олиб қочдим. Шундан кейин мотоциклининг олд гилдирағи автобуснинг олдинги чап гилдирағига келиб урилди. Автобус бизни 4 метрлар ҳамаси судаб борди, кейин тўхтади. Мотоциклини ким олиб кетганини билмайман, ҳеч кимга уни олиб кетгани деб ҳақ айтмаганман. Кейин эшитсам, мотоциклини

кимдир ўғирлаб кетибди. Мотоциклини беҳужжат ҳайдаганим учун бир кун олдин ГАИ постидан 30 сўм жарима тўлаб қайтариб олган эдим».

Мотоциклдаги пассажир Нормимбоевнинг тушунтириш хатида ҳам деярли шу гаплар такрорланади, тушунтириш хати Нормимбоевнинг акиси иштирокчида олинди. Нимагадир Мусоев ва Нормимбоевлар тушунтириш хатларини ўз қўллари билан ёзмай, балки айтиб туриб ёздирганлар. Ҳар икки хат ҳам бир икки томондан ёзилди. Улар шунчалик ёза олмайдиган даражада жараҳатланганмидалар? «Дело»даги қолган барча ҳужжатларда — хоҳ у тушунтириш хати бўлсин, хоҳ бу протоколлар бўлсин, барчасида уларнинг ёзилган вақти — ой, кунини бор. Бу икки тушунтириш хатида эса ой, кунлар ёзилмаган...

Терговдаги ҳар қандай иш гувоҳларсиз битмайди. Аксарини кўп ҳолларда гувоҳлар бирор иш юзасидан кўргазма берганлариде даставка ўзлари кўрган-билган, ҳақиқий гувоҳи бўлган воқеани айтиб беришади. Бу воқеа хусусида Рустам Ҳамдамов шундай кўргазма беради: «...Авариядан кейин нотаниш тўртта бола мотоциклини олиб кетишди». «Ав-

ришни талаб қилиш афрофдаги одамларнинг инсонийлик бурчи эмасмиди? Хуллас, ушбу кўргазмалардан кейин «иш» 180 даражада ўзгариб кетди».

14 октябрга келиб терговчи Хайруллин Мусоевнинг касаллиги сабабли терговда қатнашмаётганлиги учун ўзбекистон ССР Жиноят-процессуал кодексининг 168-моддасига кўра жиноий иш кўриш вақтинча тўхтатилади. 1987 йилнинг 2 ноябрь кунини жиноий иш кўришни давом эттириш ҳақида қарор чиқарилади. Орадан икки кун ўтган эса Мусоевнинг ҳаракатида жиноят аломатлари бўлмагани учун иш бекор қилинади. Худди шу кунини Хайруллин томонидан Икромовга нисбатан йўл ҳаракати қондасини 8.2 (бурилишни билдирувчи ёруғлик кўрсаткичларини ёқмагани), 8.4 (ҳайдовчи ўзини орқада келаятган, қувиб ўтишни бошлаган автоташнага ҳалал бермаслигига ишонч ҳосил қилмагани), 9.4 (бурилиш ёки қайрилиб олишдан олдин шу йўналишда ҳаракатланиш учун мулкжалланган қатнов қисмидаги тегшли четки ҳолатини ағалламаган) бандларини бажармагани учун ўзбекистон ССР Жиноят-процессуал кодексининг 208-модда, 1-қисми билан айб эълон қилиниб,

дусандовлар дастлабки кўргазмаларда Икромовнинг айби билан тўқнашув содир бўлганини кўрсатилган. Лекин тергов даврида гувоҳлардан ГАИ инспекторини томонидан Бўстонлик автобус-таксимотор паркни ходими И. Далаев иштирокчида олинган бирламчи ҳужжатлар, гувоҳлардан беш-олти марта олинган тушунтириш хатлари ва сўроқ протоколлари эса ишончга қўшилмаган. Яъни иш бўйича асосий гувоҳлар Кўчкинов, Абдусамидовлар бирламчи тушунтириш хатларининг тўғри эканлигини, лекин тергов органлари уларни жуда кўп миқлига чақириб кўп марта иш ва ўқишдан қолдирганиликлари учун кўргазмаларини ўзгартирганлигини, яъни судланувчининг автобуси узоқдан чапга буртилишни билдирувчи чирокчи ёқиб келиб бурилган бўлганда, унга қарши нотўғри кўргазма берганликларини маълум қилдилар. Ундан ташқари тергов органи томонидан судланувчининг ҳаракатларини ойдинлаштириш учун жабрланувчи тегшли мотоциклини топиб, унинг техник ҳолати текширилмаган. Тергов органлари томонидан иш бўйича сўроқ қилинган гувоҳлар билан судланувчи ва жабрланувчилар ўртасидаги қарама-қаршиликлар

чидан Кўчкинов, Ҳамдамов ва Абдусамидовларнинг «автобуснинг чап чирогини ёнган эди» (бу кўргазмани кейин ўзгартирган бўлсалар ҳам) деган сўзлари Икромовнинг кўргазмасини тасдиқловчи ҳолат деб бўлмасмиди? Қолаверса, авариядан кейин мотоцикли қаерга гоийб бўлди, уни ким ва нима сабабдан, қаерга олиб кетди? Шундай экан, нима учун «дело»да шу ҳақда қайлар йўқ, нега тергов ходимлари даб-дуруст «йўқолиб қолган» мотоциклига иккинчи даражали буюм деб қарашди? Авария оқибатларини ўрганаётганда мотоциклининг техник ҳолати, унинг давлат номери, пассажири қай аҳволда эканлигини суриштириш лозим эди, бизнингча. Тўғри, Мусоев мотоциклини беҳужжат бошқаргани учун 10 сўм жарима тўлади. Ахир у авариядан 2 кун олдин ҳам ГАИга 30 сўм жарима тўлаган эдику. Демак, бундан хулоса шунки, районда истаган машинани беҳужжат, хоҳлаган томонга ҳайдаб кетавериш мумкин экан, ГАИ ходими тўхтаста жазоси жарима экан. Агар ГАИ ходими Мусоевни илгари қаттиқроқ оғохлантирганга у кейинги сафар мотоцикл рулига ўйлаброк ўтирмасмиди? Бутун бошли районда давлат номерсиз юрган мотоцикл ГАИ ходимларининг эътиборини тортмаслиги кишини ўйлантиради. Мусоев йўл ҳаракати қондаларини мулкча билмайди, мотоцикл каби ҳаёт учун хавфли манбани бошқаришдан ҳабардор эмас десак муболага бўлмайди, чунки унинг билимини ишботловчи бирор ҳужжати йўқ. Ҳатто, мотоциклини бошқаришни эплар эди, деган бирор гувоҳнинг кўрсатмаси ҳам бўлмаган. Жабрланувчиларнинг «автобус ўнг чирогини ёққан» деган сўзларига эътибор берсак, катта тезликда келаятган мотоцикл ҳайдовчиси ва пассажири учун ёрилган чап томон чирогини ўнг томонда бўлиб кўринмаганимики! Мусоевнинг пассажири Нормимбоев ўша кунини бошида шлемини йўқ эди. Икромов аварияда мотоциклдагиларга жараҳат етказгани учун жазоланди. Ахир Мусоев ҳам айнаи ўша кунини авариядан олдин йўл ҳаракати қондаларининг 3,6 (транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқини берувчи тегшли гувоҳномаси бўлмаган), 11,6 (хавфсизликни таъминлаётган оралик (интервал)ни сақламаган), 12,1 (қувиб ўтишни бошлашдан олдин ҳайдовчи тўқнашди тугдирини мумкин бўлган, ўздан кейин келаятган транспортни қувиб ўтишни бошламаганлигига ишонч ҳосил қилмаган), 12,2 (қувиб ўтилаятган транспорт воситаси ҳайдовчисининг ҳаракат тезлигини ошириб, ёки бошқа йўл билан ўзини қувиб ўтишга тўқнашди қилиши таъқиқланади), 12,3 (чорраҳаларда қувиб ўтиш таъқиқланади, кесиб ўтилаятган йўлга нисбатан асосий бўлиб ҳисобланган йўллорда қувиб ўтиш бундан мустасно) бандларини тўлиқ бажармаган эди-ку! десак, бўлади, бизнингча. Худди шу ўринда айтиш кераки, Нормимбоевнинг соғлигига етказилган зарарда Мусоевнинг гафрини қувиб ҳаракатлари ҳам сабаб бўлмаганимики. Юқорида келтирилган саволларга «дело»дан жавоб тополмадик. Гувоҳларнинг ҳам кўрсатмаларини ўзгартириб туришлари, орадан икки-уч ой ўтган топилиб қолган гувоҳларнинг кўрсатмалари ҳам терговни чапга ташлаш ва шу оқибатда одил суднинг тўғри ҳукми чиқаришига тўқнашди қилган бўлиши ажаб эмас!



тобус бурилишини билдирувчи чирогини ёқиб қаршидан келаятган машиналарни ўтказиб юбориб, сўнг бурилди... Тўқнашув мотоциклининг айби билан бўлди. Кабоблаз бола мотоциклини йўлнинг у томонида олиб ўтди...» деб ёзади гувоҳ Бахтиёр Кўчкинов. Сўроқ пайтида ҳам Икромов, Ҳамдамов, Кўчкиновлар биринчи кўргазмаларини қайтардилар. 1971 йилда туғилган гувоҳ А. Абдусамидов авария содир бўлмаган автобуснинг чапа бурилишини билдирувчи чирокчи ёқилганини айтди. Гувоҳлар сентябрь ойида ана шундай кўргазмалар беришади. 5 сентябрь кунини сўроқ қилинган Ф. Афзалов «мен автобуснинг қарама-қарши томонидан келаятган эдим. У мени ўтказиб юбормади, унинг ўнг томон чирогини ёқилган эди» дейди. Бу гувоҳ сўроққа биринчи марта келиб ана шундай кўргазма берапти. Қўшимча сўроқ даврида эса илгариги гувоҳлар дастлабки кўрсатмаларидан қайта бошладилар. Масалан, Рустам Ҳамдамов «олдинги кўргазмамни тасдиқламайман, автобус чирокларининг ёқилганини кўрмадим» деса, Бахтиёр Кўчкинов «18 августдаги кўргазмам нотўғри, бундай кўргазмам мен Йўлдош Ролиев илтимос қилгани учун айтган эдим. Чироклар умуман ёқилмаган эди» дейди. Бу эсли-хушли одамларнинг гапи. Уша пайтда 16 ёшли Абдусамидов Кўчкиновга икки хил кўргазма беришини ким ўргатди: «олдинги кўргазмам нотўғри, автобуснинг бурилишини билдирувчи чироклар ёқилмаган эди». Хўш, ўсимирини ёлгон сўзлашга ким мажбур эди! Оқ нарсани кўрсатиб, бу оқ эмас деб, ўсимирини одамларга бўлган ишончини сўндираётган ким? Унинг катталар ўргатишган деб, бундан кейин ёлгон—яшиқ гапларни айтмайди, деб ким қаролат бера олади. Унинг шу биргина гапи билан бошқа инсоннинг тақдири ҳал этилаятганлигини у билмаслиги мумкин. Унинг рост гапларини, кўрган воқеанинг қандай кечганини айтиб бе-

уни жиноий жавобгарликка тортиш ҳақида қарор чиқаради. Жабрланувчиларга суд-медицина экспертизаси эса авария Мусоевнинг соғлигига енгил таъсир қилган, Нормимбоевнинг олган тан жароҳати ҳаёти учун ҳафли эмас деган хулосани беради. 11 октябрда Нормимбоев эна суд-медицина экспертизасига юборилди. Қайта экспертизасига юбориб сабабларини тушунолмадик. Биринчи марта хулосада тан жароҳати хавфли эмас деб ёзиб берилган эдику, нахотки бу жароҳат авариядан кейин ўтган уч-тўрт ой ичиде ёмон томонга ўзгарса! 14 ноябрдаги қўшимча экспертиза биринчи хулосани такрорлади.

Тошкентдаги Х. С. Сулаймонов номлидаги суд-экспертизаси илмий текшириш институтида автобус ҳам экспертизадан ўтказилади. Экспертиза автобуснинг соз эканлигини ва авария вақтида унинг тезлиги соатига 30 километр эканлигини, мотоциклининг авариянинг олдини олиши мумкин эмаслигини аниқлаб беради. Энди савол туғилади: нима учун фақат автобус экспертизадан ўтказилди, мотоцикли-чи, балки у носоз бўлгандир. Йўқ, терговчи мотоциклини экспертизадан ўтказишни лозим топади.

Шундай қилиб, тергов натижаларига кўра, 21 ноябрга келиб Мусоев жабрланувчи деб тан олинди. Беш кундан кейин тергов тугатилди. 8 декабрга келиб Икромовга нисбатан чиқарилган айблов фикрини район прокурори тасдиқлади.

1988 йилнинг 22 февраль кунини Пискент район халқ судида Э. Холматов раислигида иш кўриб чиқилди.

Пискент район халқ суди 23 февралда ажрим чиқарди. Бу ажримдан айрим сатрларини келтиришни лозим топдик. «Суд мажлисида жабрланувчилар Мусоев ва Нормимбоевлар автобус чапа бурилаятганда ўнг томон чирогини ёққан эди, кейин у чапа бурилди, дейдилар. Ушбу жиноий иш юзасидан сўроқ қилинган гувоҳлар Афзалов, Ҳамдамов, Аб-

бартаф этилмаган. Чунки жиноят содир бўлгандан кейин кўп вақт ўтиб топишган ва жабрланувчиларга таниш бўлган Афзалов ва Дрининг каби гувоҳларнинг кўргазмалари шубҳали кўринади». Пискент район халқ суди юқоридегиларга асосланиб, ўзбекистон ССР Жиноят-процессуал кодексининг 238-моддасига кўра иш Бўстонлик район прокурорасига қайта терговга юбориш ҳақида ажрим чиқаради.

Терговнинг баъзи камчиликлар билан олиб борилганлиги Пискент район халқ судининг ажримиде кўриб турибди. Шу хусусида энди 1988 йилнинг 30 март кунини область прокурори вазифасини бажарувчи область суди Президиуми номига протест ёзади. Протестда Икромовнинг йўл ҳаракати қондаларини кўпол равишда баъзиларини кўполланган дейилиб, Пискент район халқ судининг 23 февралдаги қайта терговга юбориш ҳақидаги ажримини ўзгартриш ҳамда ишни судда қурилишига юбориш ҳақида сўралади. Уз навабатида область суди Президиуми 5 май кунини қарор чиқариб, прокурор раёдинини қуватлайди ва иш Бўстонлик район халқ судига юборилади. 14 сентябрь кунини иш қурилиб, судланувчи Собир Икромов ўзбекистон ССР Жиноят кодексининг 208-моддаси 1-қисми билан айбдор деб топилиб, икки йил муддатга ахлоқ тузайтишга жалб этиш ва ҳар ой маошини 20 проценти миқдориде давлат фойдасига тундириш ҳақида ҳукм чиқаради.

Табийки, Икромовнинг бутун жараён давомида чап бурилиш чирогини ёққандан кейин бурилдим деган сўзлари ҳақиқатга яқин эмаслигини деган савол туғилади. Биринчидан у профессионал ҳайдовчи. Тажрибали ҳайдовчининг бурилишни оғохлантирмасдан ҳаракат қилишини кечириб бўлмайди. Шу муносабат у балки йўл транспорт ҳодисасидан олдин ҳушёр бўлгандир. Иккин-

А. ҲАСАНОВ,  
юрист.  
А. ҒУЛОМОВ,  
«Тошкент ҳақиқати»нинг  
махсус муҳбири.

Социал масалалар бўлимида



Газетхонларнинг саволларига редакция ҳузуридagi ҳуқуқ, социалистик қонуничиликни пропаганда қилиш жамоатчилиги Советнинг аъзолари Н. Турсунматов ва А. Ҳасановлар жавоб берадилар:

САВОЛ: совхоздаги мактабнинг бошланғич синфида ўқитувчилик қилар эдим. Яқинда пенсияга чиқдим. Лекин мактаб маъмурияти мени чақириб олиб, ишлаб туришни илтимос қилишди. Энди мен ўқитувчилик қилганим учун пенсия пулини ҳам тўлақ олишни музқиями?

К. ҚУЧҚОРОВ, Бўка райони.

ЖАВОБ: СССР Министрлар Советининг 1979 йил 11 сентябрдаги қарори билан тасдиқланган рўйхатда кўрсатилишича, қишлоқ жойлардаги умумий таълим мактабларининг (шу жумладан, қишлоқ ёшлари мактаблари) ўқитувчилари ва қишлоқ жойлардаги ҳунар-техника билим юртлари муаллимлари қариллик пенсиясига чиқиб, ишни давом эттирганлари тақдирда пенсия пули тўлиқ эмас, пенсия билан ойлик иш ҳақи қўшиб ҳисобланганда 300 сўмдан ошмаслик шарти билан тўланади. Хатингизнинг мазмунига кўра сиз ҳам юқоридаги имтиёздан фойдаланишингиз мумкин.

САВОЛ: заводда ишламан. Ҳар йили отпускамни негадир менга қиш фаслида беришади. Ўзим интернационал бурчимни ўтаб келганимга уч йил бўлди. Айтингчи йиллик отпусқадан фойдаланиш муддати ҳаммага ҳам бир хил белгиланадими?

Э. МУҚИМОВ, Чирчиқ шаҳри.

ЖАВОБ: амалдаги тартибга кўра йиллик отпусқадан фойдаланиш муддати графигини маъмурият билан касаба союз комитети келишган ҳолда тузади. График 5 январдан кечиктирмай бутун календарь йил учун тузилади. Меҳнатқашларни отпусқага чиқин даврлари йил давомида мумкин қадар тенг тақсимланади. Педагог ходимлар йиллик отпусқасини қўнчица ёғи таътил даврида, Улуғ Ватан уруши қатнашчилари (уларга тенглаштирилганлар ҳам) ўзлари учун қулай вақтда, вояга етмаганлар ёзда ёки ўз хоҳишлари билан йилнинг истаган бошқа даврларида оlishлари мумкин. Уриндошлик вазифалари бўйича отпусқани (одадга ҳақ тўланмайдиган) асосий иш жойларидан бериладиган отпусқалар билан бир вақтда оладилар. Йиллик отпусқадан бўлиб-бўлиб фойдаланишга йўл қўйилмайди. Демак, сиз йиллик отпусқангизни (уруш қатнашчиси каби) ўзингиз учун қулай вақтда берилишини талаб қилишга ҳақингиз бор.

Яқинда редакциямига ўрта ёшлардаги бир аёл кириб келди. У озим-тўзим кетган, ич-ичига ботган кўзлари хомш боқар, юзларига бевақт ажин оралай бошлаган эди.

— Наҳотки ҳаёт деган нарса ташвиш ва азобдан иборат бўлса, — гап бошлади у ич-ичидан тугён уриб чиқаётган ва кўзларига ёш маржонларини тизаётган аламини яшира олмай. — Мана мени олинг, вафо ўрнига фақат жафо кўрганларданман.

У ўз ҳаёти, сароб бўлиб чиққан бахти ҳақида сўзлаб берди.

... Улар севиб-севилиб турмуш қуришган, катта орзу-умидлар билан бир ёстиққа бос қўйган эдилар.

Янгийўлдаги 8-ғишт заводлари бошқармасида ишлаб юрган Абдулла Жуманов шу бошқарма ишчисига севишини изҳор этди. Еш Уринжон йигитнинг сўзларига, севи-муҳаббат бобидаги куюқ ваздаларига ишонди...

Орадан кўп ўтмай икки ёшнинг кўпчилик ҳавас қилгудек бахт тўйлари бўлиб ўтди. Ушанда келин-куёвнинг аҳиллик ва тотувликларига ҳаммаининг — тенгдошларига ҳамкасбларидан тортиб кўни-кўшиларгача ҳаваси келарди. Ўз тоқ тахти бўлган бахтидан энтиккан Уринжон эрталаб Абдуллани майин табассум билан ишга кузатиб кўяра, кечкурун эса очик юз билан кутиб олар, дарҳол олдига дастурхон ёзарди.

— Абдулла ака, сизга бир гап айтмайми? — деб қолди Уринжон кунларнинг биринида эрига эркаланиб.

— Айта қол, қандай яхши гап экан, эшитайлик-чи, — унинг кўзларига тикилди Абдулла.

— Фарзанд кўраимиз... — Ростданими! — Абдулла хотинининг севишчандан порчаб турган кўзлари қорачиқда ўзини кўрмоқчи бўлгандай унга моҳр билан узоқ

тикилиб қолди. — Қандай бахтлимиз-а! Ушанда Уринжон ўзини қарерга қўйишини билмас, бир умрга шундай шоду-хуррам яшаймиз деб уйлаган эди. Афсуски, унинг севишни узоққа бормади. Лов этиб ёнган олов бир зумда ўчганидек, Абдулланинг севиғиси ҳам чиллаки бўлиб қикди.

Абдулла ичкиликка ружу қўйди. У ишдан кейин қаерлардадир қолиб кетадиган, кечаси, тун ярмидан ошганда маст ҳолда кириб келадиган одат чиқарди.

— Абдуллажон ака, ахир...

вермади. Шунда Уринжон эрини суриштириб, икки яшар қизчасини олиб, Тошкент районидagi Охунбобоев номили колхозда истиқомат қилаётган қайнонасининг уйига боришга мажбур бўлди. Афсуски, қайнона ҳам ўглининг қаердалигини билмаслигини айтди.

Боланинг оғзида сўз ётмайди, деганлар ҳақ экан. Уринжон яна бир гал қайнонасиникига бормади, Абдулланинг ҳовлида ўйнаб юрган жияларидан бири «Кенной, кенной, Абдулла акам уйландилар» деб қолди.

# ВАФО ВА ЖАФО

— эрининг аҳолини кўриб Уринжоннинг жони ачирди. Бироқ шундай пайтда ҳам хотинининг сўзи оғзида қоларди.

— Бўлди, бўлди. Ургилдим сендай терговчидан. — Абдулла шундай деб Уринжонга мушт кўтарар ва дўппослай кетарди.

Уринжон аламини ичига ютди, тишини тишига қўйиб, чидади. «Эркак киши ниса ичибди-да. Фарзанд кўрса, босилиб қолар», деб ўйлади.

Бироқ Абдуллада ўзгартиш бўлмади. Оилада фарзанд туғилиши, жажжи Дилоромнинг қикир-қикир кулишларини, дадасига талпинишларини ҳам отани саёқликдан, ўзи кириб қолган бежо йўлдан қайтара олмади.

Эр 1983 йилнинг бошида хотини ва икки яшар қизчасини ташлаб, қаёққадир ғойиб бўлди. Уринжон кутди, эшик тик этса, «Дилоромнинг дадаси келдиёв» деб эшикка югурди.

Орадан икки ой ўтди ҳам-ки, Абдулладан дарак бўла-

Кутилмаган бу совуқ гап ёш аёл учун қизиб турган темирга сув сепгандай таъсир қилди. У суриштириб, Абдулланинг Хоразмда яшаётганлигини билиб олди.

Хонқага келган Уринжон ўз кўзларига ишонмади. Негаки, умр йўлдоши ўз кўшики Мавлуда исмли қизини йўлдан уриб, унга уйланиб олган эди!

— Ахир ўртада қизимиз... — дея олди Уринжон йиғламоқдан бери бўлиб.

— Қизинг, қизинг! дейверма, — бўш келмади Абдулла. — Керек бўлса, алиментини оласан-да.

Суд Абдулладан фарзандга ойлик маошининг 25 проценти миқдориде алимент ундириш бўйича қарор чиқарди. Лекин бемеҳр ота фарзандига атиги 3 ойгина (жами 34 сўм) алимент тўлади, холос.

Абдуллага иккинчи хотини ҳам ёқмай қолди. У арзимаган баҳона билан Мавлудани калтаклар, турли йўللар билан таққирлар, камситар эди. Бу азоб-уқубатларга бар-

Ахлоқ мавзусига



## Афсус, китоблар ҳам яширилса


ПОИТАХТИМИЗНИНГ Тошкент Давлат университети яқинида Беруний кўчасида жойлашган 19-китоб мағазини доим китобсеварлар билан гавжум. Пештахталарга қўйилган китоблар сероблигини кўриб киши беихтиёр қувонади. Китобларнинг ёмони бўлмайдми, бироқ пештахтадагиларнинг орасида тузукроқ «пичоққа илинадигани» йўқ. Харидорлар у ёки бу ноёб китобларни сотувчи-

лардан сўранса улардан «йўқ» деган қатъий жавобни оладилар. Омборларда эса А. Рибаконинг «Арбат болалари», Ч. Айтматовнинг «Қиёмат», А. Ахматова, Б. Пастернакларнинг шеърый тўпламлари ва бошқа классик ёзувчи, шоирларнинг бебаҳо асарлари яшириб қўйилган эди. Бу китоблар нур кўрмай таниш-билишларга, чайқовчилар қўлига ошириб юборилади. Севишли адибла-

римизнинг ўлмас асарлари айрим қўли эгри сотувчиларга бойлик орттириш манбага айлланиб қолгани кишини афсуслантиради.

Бадний асарлар ихломандлари сотувда қидириб тополмайдиган ноёб китоблар ана шундай аҳволда.

М. НАЗАРОВ, автор фотолари.



# АДАБИЁТ ВА САЊАТ

## ГАНИ АКА ДЕГАНДА...



ҲАМЗА номли театр сахнасида «Келинлар кўзголини» спектакли минг мартадан ортиқ ижро этилмоқда. Санд Аҳмад мазкур комедиянинг 700-март кўйилишида сахнага чиқиб, комик актриси Гани Аъзамовни томошбинларга «таништириб»: «Яқинда менинг «Кувё»имни кўрасизлар», деган эди. Орадан кўп ўтмай шу номдаги комедия ҳам сахна юзини кўрди. Асар қаҳрамонининг Гани деб аталиши ҳам ўзига хос жозиба касб этди. Драматург бу асарни ёзганда актёр имкониятини ҳисобга олгани аниқ.

Гани Аъзамов халқимиз ўртасида комик артист сифатида танилган. Шу бонсдан у ҳақда гап кетганида кўпчилигининг юзиде дарҳол табассум пайдо бўлади. Чунки актёр ижро этган роллар дарров кўз ўнгимизда гавдаланади.

Санъаткорнинг ижодий йўли педагогикдан бошланган: у кўпгина актёрлар сингари драма тўғрақларида ҳаваскор бўлиб қатнашган. Ота-онаси ёки ўзининг хоҳиши, у киши даст-аввал ўқитувчилик қилган. Уша йилларда арабчадан лотин алифбесига ўтиш дври эди. У санъаткорларни ўқитиш, ўргатиш учун театрга келадиган, бир умр шу даргоҳга боғланиб қолади.

— Артистлар мени ёшим кичик бўлишига қарамай «домла» деб аташ эди, — дея эслайди Гани Аъзамов. — Мен уларни севганим ва ҳурмат қилганим учун дарсдан кейин ҳам улар орасида бўлишни хоҳладим. Айниқса, репетициялар пайтида сахна атрофида туриб уларга махлиб бўлардим. Бир кунки «Бомбей» спектакли репетициясида Ҳожки аканинг (Ҳожи Сиддиқ Исломов) гаройиб қилиқларига берилиб кетибман... Бирдан у киши «домлажон, домлажон» деб қўлимдан судраб сахнага олиб чиқса бўладими!! Узини тамоман йўқотиб қўйдим. Ушанда кўркувдан рангим ўчиб кетгани учунми, довдираб орқага тисарилишим кулгили кўринганими ёки кийимларим сахна учун ғайритабиий эдим, билмайман амма кучли қаҳқаҳага сабаб бўлгандим. Шунда Ҳожки ака «домламиз артист бўлдилар» деб фотиҳа бердилар. Ушандан бери устозимнинг нафаси теккани шу бўлса керак, деб ўйораман.

Актёр устозларидан бири бўлишим Маннон Мажидов — Уйғурни алоҳида эхтиром билан тилга олади: «Узим ўқитувчи бўлсам ҳам, тил боғлигимнинг ошишига Оғам сабабчи. Тошкент шевасидаги «вотти»ни йўқотгунча ўлиб бўлганман. «Алишер Навоий» спектаклидаги Мунажжим образи устиде ишлаганимда кечалари уйкумда ҳам сўзини тўғри талаффуз қилишга ўргатардим».

Ҳамма талант эгалари ижод чўққисига аста-секин кўтарилишади. У илк бор «Торт наъранги, Хитой» спектаклидаги бомбейлик ҳинд образида ўз қобилиятини намойиш этганди. Катта ролларга интилмасдан кичик образ бўлса ҳам қиёмига етказишга ҳаракат қиларди. Театр санъатида «кичик роллар қироли» деган нбора бор. Бу нақ Ф. Аъзамов ҳақида айтилгандай, чунки К. Треневнинг «Любовь Яровая» асари асосидаги спектаклда бир оғиз сўз гапирмайдиган Чиновник образини, унинг кўрқоқлигини санъаткор ўзининг юриш-туришида, юз-кўз ифодаларида моҳирона акс эттира олган. Шунингдек, у «Ромео ва Жульетта» фожиясидаги хизматчи Пётрни мудроқ босган ва тилдан қолган бир кимса сифатида яратди. Актёрга шу ролни ижро этасан, дейишганида у сахнада лоқал оғиз очолмаслигини беҳад ташвишланганди. Ҳатто биринчи репетиция кунлари зерикканидан ухлаб ҳам қолган. Узи отган қаттиқ хуррақдан уйғониб қарасани, ҳамкасблари қотиб-қотиб қулишавтган экан. Шунда постановкани-режиссёр А. Гинзбург «сиз ижро этадиган ролнинг «асл мағзи шу», деган. Шу-шу спектакль бошланча, актёр сахнага чиқди дегунча, пинакка кетиб хуррак ота бошларди. Бош ролни ижро этувчи Шукур Бурхонов бир кун унга қарата: «Сахнада бир оғиз гапинг йўғу, олқишига сазовор бўласан-а», деб ҳазиллашганди. Аслида эса бу ҳазил заминда санъаткорнинг санъаткорга қойил қолганилиги ифодаланарди.

Абдулла Қаҳҳорнинг «Тобутдан товуш» спектаклидаги Юсуф — ичкилик бандаси, лаганбардор шахс. Унинг Ф. Аъзамов ижросидаги талқини ўзининг тўла-тўқис аксини топган. Актёр ўйнаган яхши образлардан яна бири — Уйғуннинг «Қалтис ҳазил» пьесасидаги Мамарасулдир. Бу образни яратишда Гани ака унинг «бир замонлар бозорда қоровуллик қилганман» деган сўзига сузанади. Ана шунга кура кийим ва грим таллашга ҳам алоҳида эътибор беради: Мамарасул сахнада ярим европача, ярим миллий кийимда, оёғида ботинка, галафе шим, яктеқ ва тўн, устидан камар боғлаган, бошида эса шапка, қўлида шақилдоқ билан пайдо бўлади. Кийимларига гард юқтиришни истамайди. Соқол-мўйювлари ҳаминша қирдирилган, қўлидаги қоровуллик шақилдоқидан жуда усталик билан фойдаланади. Актёр сахнага чиқмасдан шўқилдоқини шақиллатиб қўяр экан, унинг шарпасини сезган томошабин кулавереди. Шу сабабли бу сахна халқ оғзига тушиб, ким ортиқча гапирса: «Мамарасулнинг шақилдоғига ўхшаб шақиллаверсанми!» деган ибора кенг тарқалиб кетганди.

Ф. Аъзамовнинг доврўғи Эркин Воҳидовнинг «Олтин девор» комедиясидаги уста Мўмин образини яратганидан сўнг янада ошиб кетди. Драматург театрдаги режиссёр ва актёрлар билан бирга ишлашдан эринмади. Кўп эпизод ва баъзи бир сахналар шў жарбаида сайқал топди. Етақчи қаҳрамон образини ижро этаётган актёр характерида келиб чиқиб, янги текстлар ёзилди. Ф. Аъзамов бу образнинг ички ҳолатини тўғри топа билгани учун ҳам томошабин уни сахнада кўриши биланок кулавереди. Уста Мўмин бир умр пешона тер тўкиб, меҳнат қилиб топган ҳалол пулига яшашга ўрганган одам. Шундай одамнинг қўлига тўсатдан бир халта олтиннинг тушиб қолиши унинг ҳаётини бутунлай ўзгартириб юборади, ётиб уйкуси келмайди. Юраги ҳақиради, ўйлаб-ўйлаб олтинни давлатга топширишга аҳд қилади. Зумда яна ақидани қайтади... Унинг бу каби ханти-ҳаракатларини ифодалашда актёр асар мантиқидан келиб чиққан ҳолда ижод қилган.

Тиниб-тинчимас актёр 80 ёшини уриб қўйган бўлса-да, ҳали тетик ва наъқирон, ёшлар билан ҳам беллашшига тайёр. Айни пайтда уларга кўп нарсани ўргатади ҳам. Бир сўз билан айтганда, у ўз санъати билан томошабинларни кўлдириб келаётир.

З. МУҲАММАДЖОНОВ,

СССР халқ артисти, СССР Давлат мукофоти лауреати.

## • Диққат, илк кўрик

# «ТАЛВАСА»

СССР Кинематографиячилар союзи правленниси секретари, Ўзбекистон ССР халқ артисти, СССР Давлат ва республика Ленин комсомол мукофотларининг лауреати, кинорежиссёр Элёр Эшмухамедов номини томошабинлар унинг қатор кинофильмлари орқали жуда яхши билишади. Айниқса, истеъдодли режиссёрнинг «Даҳонинг ёшлиғи», «Алвидо, ёр ёшлиғи» сингари картиналари мамлакатимиз экранларида ҳам зўр муваффақият билан намойиш этилгандан сўнг санъаткорнинг шухрати янада ортиди.

Куни кеча пойтахтимиздаги Кино уйида Э. Эшмухамедовнинг икки қисмдан иборат «Талваса» янги бадиий фильмининг премьериси бўлиб ўтди. Картина намойиш қилинишидан аввал бу ерга йилгилан ижодкор зиёлилар — санъатшунослар ва журналистлар режиссёрга ўзларини қизиқтирган саволлар билан мурожаат этиб, ундан янги фильм яратиш жараёни ҳақида гапириб беришини илтимос қилдилар.

— «Алвидо, ёр ёшлиғи»нинг мантиқий давоми бўлган мазкур фильм сценарийсини бундан ўз йил аввал О. Агишев ва Ж. Исҳоқов билан ҳамкорликда ёзган эдим, — деди у. — Аввало, шунга таъкидлашни истардимки, кино санъати мухлислари мазкур асарда тасвирланган воқеа-ҳодисаларни халқимизни, унинг яшаш тарзини танқид қилиш деб эмас, балки меҳнат аҳлининг чидаб бўлмас даражадаги оғриғи, деб қабул қилишса.

Айтишим керакики, фильми яратиш жараёнида қатор кишинчиликларга дуч келдик. Иш бошлаганимизда республикамизнинг собиқ бosh прокурори Бутурлин бизга ёрдамлашмоқчи бўлган эди. Орадан кўп ўтмасдан у бошқа ишга ўтиб кетди... Суратга олиш давомида фильмининг дастлабки номини ўзгартиришга қарор қилдик: «Танқиддан холи зона» эмас, «Талваса».

Чунки фильмдаги салбий ҳодисаларнинг ҳар бири бу — талваса бўлиб, у томошабин қалбини аёвсиз изтиробга солади. Қолаверса, турғунлик йилларининг иллати бўлган бундай талвасалар ҳаливери тугамайди, деб ўйлайман.

— Элёр — Урта Осиёнинггина эмас, балки Иттифок кино санъатининг кўзга кўринган режиссёрларидан бири, — деди СССР халқ артисти М. Қаюмов. — У яратган картиналар ўзининг бадиий ва фойвий мукамаллиги билан ажралиб туради. «Ўзбекфильм» киностудияси коллективи режиссёрга катта ишонч билдириб, яқинда уни СССР халқ депутати номзолигига кўрсатди. Бу унинг жамоатчилик фаолиятига ҳам улкан масъулият юкляди.

... Фильм Тошкентнинг бугунги манзараларини (кўп қаватли бинолар, шимам ва кенг кўчалар) кўрсатиш билан бошланади. Шаҳримизга ташриф бурюрган юксак мартабали меҳмоннинг машинаси кутиб олувчи мезбонлар ҳамроҳлигида кўчаларни тўлдириб ўтади. Томошабин йўл қўйган хатосини тўғрилайман, деб елиб-югурган ва ўз эътиқодига содиқ қолиб ҳалок бўлган журналист М. Екубов, ҳақиқатини ёқлагани учун райком секретарлигидан олиб ташланган А. Нуриев, маънавий тубан обком секретари Б. Назировнинг хатти-ҳаракатлари орқали ҳаёт ҳақиқати билан таниша борамиз...

Умуман, фильм аёлларга муносабат, бюрократ рақбарлар, пахта монокультураси, қўшиб ёзиш, болалар тарбияси каби бугунги ҳаётимизнинг актуал масалаларини акс эттиради. Бу эса бизни ҳозирги ҳаётимиз ва келажак ҳақида жиддий ўйлашга, эзгу мақсадлар учун курашга даъват этади.

Фильмдаги бош ролларни Р. Саъдуллаев, М. Ражабов, А. Муҳаммаджонов, Ш. Эргашев каби таниқли ва иқтидорли актёрлар маҳорат билан ижро этишган.

Г. ҲУСАНОВА.

## МУҚАРРАМА ТУРҒУНБОЕВА ОВОЗИ

Ўзбек рақс санъатини ривожлантиришда СССР халқ артисти, СССР Давлат мукофоти лауреати Муқаррама Турғунбоеванинг ижодий ҳиссаси каттадир. У моҳир раққоса ва хореограф сифатида кўпгина миллий рақсларни саҳналаштириб, уларга сайқал берди. «Ваҳор» ансамбли репертуарида у саҳналаштирган талайгина рақс номерлари мавжуд.

Яна шу нарса характерлики, атоқли санъаткор ўзининг ширали овозига ҳам эга бўл-

ган. Буни кўплаб кекса санъаткорлар яхши эслайдилар. Муқаррама опа ижросидаги дилрабо қўшиқлардан бир нечтаси ўз вақтида грамофон пластинкасига ёзиб олинган. Эндиликда нодир музикали ёзувга айланган бу пластинка Ўзбекистон кинофотопано ҳужжатлар Марказий Давлат архиви фондидан муносиб ўрни олди. У архивнинг овоз ёзувлари бўлинидаги ноёб ҳужжатлардан бири бўлиб қолади.

С. ОДИЛОВА.

## БИР ПЬЕСА МУҲОКАМАСИГА ДОИР

### Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзида

Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзида адабиётшунос олим ва драматург Исзат Султоннинг Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театрида намойиш этилаётган «Абдулла Қодирийнинг утган кунлари» спектаклининг муҳокамаси бўлиб ўтди.

Мазкур драматик ривоятнинг биринчи премьериси ўтган йилнинг 29 декабрида кўрсатилган эди. Томошабинлар театрга оқиб кела бошладилар. Орадан кўп ўтмай ёзувчилар ва театр танқидчилари ўртасида спектакль А. Қодирийнинг «Утган кунлар» романи асосида саҳналаштирилганими ёки у ёзувчининг ҳаёти ва ижоди ҳақида ҳикоя қилади... деган ҳақли савол туғилди. Бора-бора бу савол жиддий мунозарга ва баҳсга айланиб кетди. Бунга оддий томошабинлар ҳам қўшилдилар. Кўтарилган маселани одилона ҳал этиш мақсадида бир гуруҳ ёзувчилар, шoirлар, театرشунос ҳамда журналистлар 4 февраль кунин театрга бориб, спектаклни томоша қилдилар ва Ёзувчилар

союзидаги спектакль муҳокамасига бағишланган йиғилишда улар ўз фикр-мулоҳазалари билан қатнашдилар.

Энг биринчи сўз ёзувчининг ўғли, врач Масъуд Абдуллаевга берилди: — Аввало, биз — ёзувчининг ўғли ва набиралари спектаклининг қандай юзбери келганлигидан мутлақо беҳабаримиз. Мавжуд қонуқондага кура И. Султон биздан асарни саҳналаштириш ҳақида ёзма рухсат олиши керак экан. Афсуски акам — Х. Қодирий вафот этган кезларда бизга кўнғироқ қилишиб, премьерага таклиф этишди. Спектаклни томоша қилгандан кейин кейфиятимиз жуда бузилди кетди. Биринчидан, спектакль муаллифи И. Султон деб қаралса, ундаги асосий воқеалар отамнинг «Утган кунлар» асаридан

олинган. Агар мувллиф А. Қодирий дейилса, унда И. Султон «вратган» сахналар улуғ ёзувчиға хурматсизлигини ўзгинасидир. Иккинчидан, пьеса И. Султон инсценаривоксига дейилганда ҳам, асардаги деталлар, тарихий фактлар шунчалки чалқас ва бузиб кўрсатилганки, биз бу билан асло келишолмаймиз. Учунчидан, пьесани саҳнага олиб чиқиш учун сарфланган давлат маблағи ва актёрлар меҳнатидан ҳам кўз юмиб бўлмайди. Ҳамма нарсани тарозига солиб кўриб, шундай қарорга келдик: отамнинг номини, қадр-қимматини пастга урадиган бундай спектакль театр сахнасида олиб ташланиши керак.

Масъуд Абдуллаевнинг бу фикрларини ёзувчининг неваралари — журналист Хондамир ва педагог Шеркон Қодирийлар ҳам қўллаб-

қувватладилар. Шундан сўнг сўзга чиққан Шукрулло, О. Шарофиддинов, Г. Нуруллоева, Н. Қилич, М. Қўшонов, С. Аҳмад, С. Иномжўраев ва бошқалар ҳам спектакль ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб, «Утган кунлар» асари асосида саҳналаштирилган спектакль муаллифи И. Султон бўлиши мумкин эмас, деган хулосага келдилар. Санъатшунос Т. Турсунов билан театрнинг адабий эмасдохи Х. Муҳаммад «Нима бўлганда ҳам А. Қодирий образини саҳнага олиб чиқиш ҳазилакам гап эмас», деб И. Султонни ёқладилар.

Ушбу кескин мунозарга ВААПнинг Ўзбекистон бўлими бошлиғи Р. Раҳмонов яқун ясади: — Биздаги тартиб-қондаларга кўра, бошқа бир ёзувчининг асарини асосида пьеса ёзган ижодкор

учта шартга амал қилиши керак: 1. Асар муаллифидан ёзма рухсат олиши керак. Агар у вафот этган тақдирда ворисларидан ёзма рухсат олинмади. 2. Пьесига ўзи киритган қўшимчалар учун автордан ёки ворисларидан алоҳида ёзма рухсат олинди. 3. Пьеса муаллифи асар авторини ёки ворислар билан тушуини ҳам, қалам ҳақини ҳам бўлишиши керак. Мазлум бўлишича, И. Султон бу шартларнинг биронтасига ҳам амал қилмаган. А. Қодирийнинг ворислари юқоридаги шартлар бажарилмаганлиги учун ўз ҳақ-хуқуқларини талаб этишлари мумкин.

Йиғилишда айтилган бу фикр-мулоҳазаларни эътиборга олиб, Ўзбекистон ССР Маданият министрилиги ва театр коллективи тегишли чора-тадбирлар белгилайди деган умиддамиз.

Г. ЙҮЛДОШЕВА, «Тошкент ҳақиқати»нинг муҳбири.

# • ҲАФТАЛИК ПРОГРАММА •

## Душанба,

13 февраль

MT I

7.00 «120 минут». 9.05 Концерт. 9.35 Мультифильмлар. 10.10 Фокусчи. Бадий фильм. 11.25 Янгилликлар. 11.35 Ҳайвонот оламда. 16.00 Янгилликлар. 16.10 Сайловлар олдидан. 16.20 Концерт. 16.45 Хужжатли фильм. 17.00 Салом, кичкинтой! 17.30 Болалар соати. 18.30 Концерт. 18.45 XIX партия конференцияси белгилаб берган йўлдан. 19.15 Хужжатли фильм. 19.30 Борис Годунов. Фильм-опера. 21.30 «Время». 22.05 Сайловлар олдидан. 22.15 Хоккей. СССР чемпионати. «Динамо» (Москва) — МАСК, Танаффус пайтида — Дунё воқеалари.

MT II

9.00 Эрталабки гимнастика. 9.15 Илмий-оммабоп фильм. 9.35, 10.35 Физика. 10.05 Рус тили. 11.05 Онам, дадам ва мен. 11.35, 12.35 Астрономия. 12.05 Италия тили. 13.05 Ҳамроҳ. Бадий фильм. 14.25 Янгилликлар. 14.35 Хужжатли фильм. 17.35 Янгилликлар. 17.45 Кумликлардаги узундан узоқ йўл. Бадий фильм. 6-серия. 18.55 И. Дамитриев, И. Буниин шеърлари асосида вокал туркуми. 19.20 Тошкент телевиденисининг программаси. 20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! 20.45 Концерт. 21.15 Хужжатли фильм. 21.30 «Время». 22.05 Сайловлар олдидан. 22.15 Кумликлардаги узундан узоқ йўл. Бадий фильм. 6-серия. 23.25 Хужжатли фильмлар. 00.15 Янгилликлар.

УзТВ

15.00 Телефильмлар. 16.00 Фильм-концерт. 16.25 Бошқача ҳаёт. Бадий фильм. 18.00 Янгилликлар. 18.15 Баскетбол бўйича биринчи лига эркаклар командалари ўртасида СССР чемпионати. АСК (Тошкент) — «Локомотив» (Новосибирск) 18.50 Санъат олами. Ш. Абдурашидов. 19.30 Пахтачилик: тажриба ва муаммолар. 20.00 Ахборот. 20.20 Телефильм. 20.30 Ахборот. 20.50 Концерт. 21.30 «Время». 22.05 Сайловлар олдидан. 22.15 Мусаффо осмон. Бадий фильм.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.30 Яшин тутган суворий. Бадий фильм. 20.50 Объективда қайта куриш. 21.30 ДУШАНБА КУРСАТАДИ.

## Сешанба,

14 февраль

MT I

7.00 «120 минут». 9.05 Борис Годунов. Фильм-опера. 11.05 Хоккей. СССР чемпионати. «Динамо» (Москва) — МАСК. 12.50 Янгилликлар. 13.00 Бу бўлганди... бўлганди... 13.15 Болалар соати. 14.15 Музейда концерт. 16.00 Янгилликлар. 16.15 Сайловлар олдидан. 16.25 Музикали ҳазина. 17.20 Хужжатли фильмлар. 17.50 Болалар учун концерт. 18.35 Фан: назария, тажриба ва практика. 19.20 Дунё воқеалари. 19.35 Ҳокимият — Советларга. 20.05 Мультифильм. 20.15 А. Цагарели. Хонума. Фильм-спектакль. 21.30 «Время». 22.05 Сайловлар олдидан. 22.15 Хонума. Фильм-спектаклнинг давоми. 23.25 Дунё воқеалари. 23.40 Хужжатли фильм.

MT II

9.00 Эрталабки гимнастика. 9.15 Хужжатли фильм. 9.35, 10.35 Оилавий турмуш этикиси ва психологияси. 10.05 Француз тили. 11.05 Тарих. 11.35, 12.35 Музика. 12.05 Француз тили. 13.05 Кумликлардаги узундан узоқ йўл. Бадий фильм. 6-серия. 14.15 Янгилликлар. 14.25 Ритмик гимнастика. 14.55 Сизга куйлаб берман. 17.35 Янгилликлар. 17.45 Кумликлардаги узундан узоқ йўл. Бадий фильм. 7-серия. 18.55 Ҳаракат хавфсизлиги учун. 19.00 Совет Иттифоқига хизмат қилман! 20.00 Тонгги почта. 20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! 20.45 Концерт. 21.00 Ритмик гимнастика. 21.30 «Время». 22.05 Сайловлар олдидан. 22.15 Кумликлардаги узундан узоқ йўл. Бадий фильм. 7-серия. 23.25 Баскетбол. Ярим финал. «Жальгирис» — «Снайдер» (Италия). 00.45 Янгилликлар.

УзТВ

15.00 Табиат ва биз. 16.00 Қишлоқ экувари. Бадий фильм. 17.20 Совет давлати ва ҳуқуқи асослари. 18.00 Янгилликлар. 18.15 Юдузча. 19.00 «Ёшлик» студияси курсатади. 19.30 Адабий театр. О. Сулайманов. «Айланайин». 20.00 Ахборот. 20.20 Шу куннинг долзарб мавзуси. 20.30 Ахборот. 20.50 Концерт. 21.30 «Время». 22.05 Сайловлар олдидан. 22.15 Кино, кино, кино. 23.05 Шаҳар портрети. Информацион-дам олиш программаси.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.30 «Юрмала-89». 20.40 Телефильм. 21.30 ФРУНЗЕ КУРСАТАДИ.

## Чоршанба,

15 февраль

MT I

7.00 «120 минут». 9.05 Болалар учун концерт. 9.50, А. Цагарели. Хонума. Фильм-спектакль. (11.05) — Янгилликлар. 12.20 Саёхатчилар клуби. 13.20 Хужжатли фильм. 16.00 Янгилликлар. 16.10 Қайта куриш прожектори. 16.20 Концерт. 16.50 Хужжатли фильмлар. 17.25 Болалар соати. 18.25 Мультифильм. 18.45 Концерт. 19.15 Дунё воқеалари. 19.30 Останкино концерт студиясида. 20.30 Адабий-бадий видеоканал. 21.30 «Время». 22.05 Қайта куриш прожектори. 22.15 Адабий-бадий видеоканалнинг давоми. (23.40) — Дунё воқеалари.

MT II

17.35 Янгилликлар. 17.45 Иллюзион. Катя — Қоғоз Ранет. Бадий фильм. 19.15 Кичик концерт. 19.25 РСФСР шаҳарлари телестудиялари. 20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! 20.45 Халқ куйлари. 21.00 Сиз яратган боғ. 21.30 «Время». 22.05 Қайта куриш прожектори. 22.15 Иллюзион. Катя — Қоғоз Ранет. Бадий фильм. 23.50 Янгилликлар.

УзТВ

15.00 Кинопрограмма. 16.00 Том Соьер ва Гекельберри Фин саргузаштлари. Бадий фильм. 1-серия. 17.10 Телефильм. 17.25 Табиатушнослик. 18.00 Янгилликлар. 18.15 Агроекат ва Озик-овқат программаси. 18.50 Февзи Биялова — меҳмонимиз. 19.20 Совет дипломатиясининг ақвал муаммолари. 20.00 Ахборот. 20.20

Шеърят дафтаридан. 20.30 Ахборот. 20.50 Мухаббат вафси. Холис лирикиси. 21.30 «Время». 22.05 Қайта куриш прожектори. 22.15 Чимён соврини. Халқаро мусобақалар. 22.45 Ёшлик студияси курсатади. Дустлик иплари. Тошкент—Львов.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.30 Концерт. 20.00 Кескин танқид остида. 20.40 Телефильмлар. 21.05 Пульс. Информацион курсатува. 21.15 Оқшом эртаклари. 21.30 ДУШАНБА КУРСАТАДИ.

## Пайшанба,

16 февраль

MT I

7.00 «120 минут». 9.05 Довулдан оғохлантириш. Бадий фильм. 11.15 Янгилликлар. 11.25 Болалар соати. 16.00 Янгилликлар. 16.10 Сайловлар олдидан. 16.20 Концерт. 17.05 Хужжатли фильм. 17.45 «...16 ёшгача ва ундан катталар». 18.30 Мультифильм. 18.50 Хужжатли фильм. 19.20 Дунё воқеалари. 19.35 Концерт. 20.35 Қотиллик эълон қилинди. Бадий фильм. 1-серия. 21.30 «Время». 22.05 Сайловлар олдидан. 22.15 Балет, балет... 23.15 Хужжатли фильм. 23.40 Дунё воқеалари. 23.55 Хужжатли фильм.

MT II

9.00 Эрталабки гимнастика. 9.15 Илмий-оммабоп фильм. 9.35, 10.35 Л. Н. Толстой. Зиб-фатдан сўнг. 10.05 Испан тили. 11.05 Умумий биология. 11.35, 12.35 Биология. 12.00 Испан тили. 13.00 Катя — Қоғоз Ранет. Бадий фильм. 14.30 Янгилликлар. 14.40 Концерт. 17.35 Янгилликлар. 17.45 Хужжатли фильмлар. 18.35 Танго. Фильм-концерт. 19.05 Мультифильм. 19.25 Хужжатли фильм. 20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! 20.45 Концерт. 21.30 «Время». 22.05 Сайловлар олдидан. 22.15 Хужжатли фильм. 22.45 Концерт.

УзТВ

16.00 Фильм-концерт. 16.20 Том Соьер ва Гекельберри Фин саргузаштлари. Бадий фильм. 1-серия. 17.25 Жамиятушнослик. 18.00 Янгилликлар. 18.15 Мактаб ўқувчиларининг Ўзбекистон халқ ёзувчиси Пиримкул Қодиров билан учрашуви. 19.30 Маслакдошлар. 20.00 Ахборот. 20.20 Телефильм. 20.30 Ахборот. 20.50 Мусуқча жавони. 21.30 «Время». 22.05 Сайловлар олдидан. 22.15 Ёшлар, фильмлар, муаммолар. 23.15 Телефильм.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.30 Шаҳарликлар. Бадий фильм. 20.50 Реклама. 21.00 Суз полоси. Усмилрал ўртасида Ўзбекистон биринчилиги. 21.30 ДУШАНБА КУРСАТАДИ.

## Жума,

17 февраль

MT I

7.00 «120 минут». 9.05 Уйғур жилolari. 9.35 Болалар учун фильм. 10.40 Инсон институти. 11.40 Янгилликлар. 11.50 Хужжатли фильм. 16.00 Янгилликлар. 16.15 Қайта куриш прожектори. 16.25 Хужжатли фильм. 16.50 Болаларга ҳайвонлар ҳақида. 17.20 Қувноқ стартлар. 18.05 Ҳокимият — Советларга. 18.35 Фалсафанинг мавбалари ва аъёнлари. 19.20 Дунё воқеалари. 19.40 Қотил-

лик эълон қилинди. Бадий фильм 2—3 сериялар. 21.30 «Время». 22.05 Қайта куриш прожектори. 22.15 Бу бўлганди... бўлганди... 22.30 Нингоҳ. 24.00 Чанги спорти. Жаҳон чемпионати.

MT II

9.00 Эрталабки гимнастика. 9.15 Илмий-оммабоп фильм. 9.35, 10.35. Табиатушнослик. 9.55 Илмий-оммабоп фильм. 10.05 Инглиз тили. 10.55 Уйдаги квартира. 11.35, 12.35 Тарих. 12.05 Инглиз тили. 13.05 Ягуар. Бадий фильм. 14.30 Янгилликлар. 14.40 Ритмик гимнастика. 15.10 Хужжатли фильм. 15.30 Концерт. 17.35 Янгилликлар. 17.45 Концерт. 18.45 «Мультифильм». 19.00 Фестиваль экранни. 20.00 Ритмик гимнастика. 20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! 20.45 Пушкин шеърларига ёзилган... Фильм-концерт. 21.30 «Время». 22.05 Қайта куриш прожектори. 22.15 Юрмала-89. 01.15 Янгилликлар.

УзТВ

16.00 Том Соьер ва Гекельберри Фин саргузаштлари. Бадий фильм. 2-серия. 17.10 Хужжатли фильм. 17.25 География. 18.00 Янгилликлар. 18.15 Инсон болаликдан бошланади. 18.55 Кинолаҳза. 19.00 Экиш техникаси мавсумга шай бўлсин! 19.30 Сайловлар олдидан. 20.00 Ахборот. 20.20 Шу куннинг долзарб мавзуси. 20.30 Ахборот. 20.50 Концерт. 21.30 «Время». 22.05 Қайта куриш прожектори. 22.15 М. Шайхзода туғилган кунинг 80 йиллигига бағишланган юбилей кечаси. 23.45 Баскетбол. СССР чемпионати. АСК (Тошкент) — «Строитель» (Иркутск).

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.30 Оғир соатда. Бадий фильм. 20.55 Телефильм. 17.10 Хужжатли фильм. 21.05 Пульс. Информацион курсатува. 21.15 Оқшом эртаклари. 21.30 ФРУНЗЕ КУРСАТАДИ.

## Шанба,

18 февраль

MT I

7.00 «120 минут». 9.00 Уй академияси. 9.30 Халқ ижодиёти. 10.00 Йил фасллари. 11.00 Денгиз бўйидаги таътиллр. Бадий фильм. 12.05 Социализм мамлакатларида. 12.35 Мультифильмлар. 13.00 Мўжизасиз мўъжизалар. 14.00 Шанба — ота-оналар кўни. 15.30 Чанги спорти. Жаҳон чемпионати. 17.30 Дунё воқеалари. 17.45 Халқ чолғулари садолари. 18.15 Халқаро программа. 19.15 Шеърят лаҳзалари. 19.20 СССР халқ артисти А. Папанов иштирок этган фильмлар. Иван. 20.30 Кўк концерт. Концерт. 21.30 «Время». 22.05 Шанба оқшомида. 23.20 Мультифильмлар. 23.50 Янгилликлар. 23.55 Шунчалар улкан севги. Музикали программа.

MT II

8.30 Эрталабки гимнастика. 8.50 Қишлоқ янгилликлари. 9.50 Мангу муҳаббатга сазовор мамлакат. 3-фильм. 10.55 Ярим тунгача ва ярим тундан сўнг. 12.55 Телевизион музикали абонемент. 13.45 Севги изохори. Бадий фильм. 15.55 Мультифильм. 16.10 Кечга таклифнома. 17.20 РСФСР шаҳарлари телестудиялари. 18.00 Чанги спорти. Жаҳон чемпионати. 18.50 «...16 ёшгача ва ундан катталар». 19.35 Хужжатли фильм. 19.45 Халқаро муносабатлар: тарихий тажриба ва

муаммолар. 20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! 20.45 Хужжатли фильмлар. 21.30 «Время». 22.05 «Юрмала-89». 01.15 Янгилликлар.

УзТВ

9.00 Ассалому алайкум. 10.00 Шанба экрани. 10.55 Оиламиз оҳанглари. Музикали программа. 11.35 Рассом ва китоб. 12.10 Фарзандлар даври. Бадий фильм. 13.40 Қўшиқ бизга ҳамisha ҳамроҳ. 14.30 Отаналар университети. 15.00 Арманистон, 1988 йилнинг декабри. 15.25 Йўл ҳаракати хавфсизлиги учун. 18.00 Курсатувлар программаси. 18.05 Тенгдош. 18.50 Яна бир қарра суз ҳақида. 19.20 Тилга эътибор... 20.00 Ахборот. 20.20 Рябово. Манзарали фильм. 20.30 Ахборот. 20.50 Цирк! 21.30 «Время». 22.05 Ҳаёт қувончлари ва ташвишлари. 23.10 Музикали учрашувлар. Б. Ҳамдамов.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

16.00 ФРУНЗЕ КУРСАТАДИ.

## Якшанба,

19 февраль

MT I

8.00 Янгилликлар. 8.45 Ритмик гимнастика. 9.15 Спортлото. 9.25 Болалар учун курсатува. 10.25 Совет Иттифоқида хизмат қилман! 11.25 Тонгги почта. 11.55 Оламга саёхат. 12.55 Эртанг ҳузурда меҳмонда. 14.25 Музикали киоск. 14.55 Нингоҳ. 15.55 Чанги спорти. Жаҳон чемпионати. 17.30 Қишлоқ янгилликлари. 18.30 Халқаро панорама. 19.15 Фильм-концерт. 19.50 Шоир Е. Евтушенконинг авторлик кечаси. 21.30 «Время». 22.05 Салом, доктор! 22.20 Биргаликда қўшиқ куйлайлик, дўстлар. 00.10 Янгилликлар. 00.15 Бокс. Жаҳон чемпионати.

MT II

8.30 Зарядкага сафлангил! 8.45 Хужжатли фильм. 8.55 Фильм-концерт. 9.25 Агар сиз... 10.10 Хужжатли фильм. 11.05 Литературная Грузия журнали саҳифаларида. 12.15 Спорт ҳамма учун. 12.30 Бувининг сандиғи. 13.00 Р. Солдеч. Қизил гилладеги уч киши. Спектакль. 14.05 Лирки концерт. 14.30 Мультифильмлар. 15.00 Енгил атлетика. 16.00 Эфирда музика. 18.00 Киносерпантин. 20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! 20.45 Санъат баҳшида умр. Микеланжело. 21.30 «Время». 22.05 Салом, доктор! 22.20 Киносерпантин. Хонаки концертлар. 00.40 Янгилликлар.

УзТВ

9.00 Ассалому алайкум. 10.00 Оила даврасида. 11.00 Биргаликда куйлайлик. 11.30 Актерлар ва роллар. 12.25 Халқ севган достолар. 13.25 Спорт программаси. 14.25 Болалар учун телетеатр. 15.35 Сайловлар олдидан. 16.20 Ўт ўчирувчиларнинг кўнгилли жамияти оғохлантиради, ахборот беради, таклиф этади... 18.00 Курсатувлар программаси. 18.05 Мультифильмлар. 18.25 Қўшиғим, жон қўшиғим. 19.15 Оламга саёхат. 20.00 Ахборот. 20.20 Телефильм. 20.30 Ахборот. 20.50 Дам олиш музикали программаси. 21.30 «Время». 22.05 Совет Ўзбекистони композиторлари М. Левиев.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

17.50 ДУШАНБА КУРСАТАДИ.

# • ҲАФТАЛИК ПРОГРАММА •

# СПОРТ

## ХАЛҚАРО ТУРНИР ГОЛИБИ

ХАЛҚАРО классдаги спорт мастери тошкентлик Сергей Заболотнов Берлинда ГДР миллий олимпиада комитети соврини учун ўтказилган халқаро мусобақада голиб чиққан ягона совет спортчиси. У ўзининг шох масофаси — 100 метрга чалқанча усулда сузишда 56,97 секунд натикна кўрсатиб, халқаро турнир голиби бўлди.

## ДУРАНГЛАР ЛИМИТИ БЕКОР ҚИЛИНДИ

МАЪЛУМКИ, спортда дуранг деган сўз тенгяшликни билдириб, очколар баҳам кўрилиши керак. Лекин мамлакат футбол федерацияси 1978 йили олий лига командалари учун 10 та, биринчи лига вакиллари учун 12 та ўининг дуранг қилишга «рухсат» бериб, ундан кейинги уршувларда дуранг қилган томон очкодан махрум бўлар эди. Бу эса сўзсиз командаларнинг пировард натижада эгаллайдиган ўринга таъсир қилмай қолмасди. Мутахассислар ва мухлислар ўртасида норозиликларга, жиддий тортишувларга сабаб бўлиб келган дуранглар лимитини бу йилдан бошлаб бекор қилишга қарор қилинди.

## ОЛИЙ ЛИГАДА ҚОЛИШ УЧУН ТОШКЕНТИНИНГ

«Авто» мобилисти волейболчилари Свердловск шаҳрида чемпионатининг сўнгги саралаш тур ўйинларини ўтказишди. Охири кун Москванинг «Динамо» командасини 3:1 ҳисобида мағлуб этган тошкентликлар жами 8 очко тўплаб, 12 та команда қатнашган баҳсда ўинчи ўринда қолди.

## ЯРИМФИНАЛЧИЛАР МАЪЛУМ

ШАХМАТ бўйича чемпионлик ўинига давogarлик қилётган тўрт ярим финалчи маълум бўлди. Булар А. Карпов, А. Юсупов, Я. Тимман, Дж. Спилман. Ярим финал ўйинлари Лондонда октябрь ойида бўлди.



ЎЗБЕК ва болгар кинематографчилари ижодий ҳамкорликда «Будинган вақт» номли бадиий фильмини суратга олишмоқда. Мазкур картинанинг режиссёри Л. Стайков бўлиб, бош ролларни Радуск Спасов, Анна Петчева, Иван Кривов ва Дялором Қамбарова сингари актёрлар ижро этишмоқда. Суратда: ана шу фильмдан кўриниш.

В. Терехов фотоси.



## КИЧКИНА БОТИР

МАСАИ қабиладан 12 ёшли кеноялик Самониа Олетина одатдагидек мол боқишда ота-окасига кўмаклашиб юрган эди. Шундай кунларнинг бирида чапгалзор орасида подага ташлаиб арслон ташлаиб қолди. Еш чўпон ўйлаб ўтirmай Виртқичнинг йўлини кесиб чиқибди. У қўлидаги, масай қабиласининг аътанавий қурол бўлган найза билан арслонга қарши жангга киришибди. «Ҳайвонлар шох» панжаси билан бир уриб болаканинги ўнг қўлини синдирибди ва таппа ерга босибди. Йиқила туриб жасур Самониа найзани арслонга санчишга улгурибди.

Бундай одобсизликдан ҳафа бўлган «ҳайвонлар шох» орта чекинбди ва чапгалзор ичига кириб кетди. «Мен уша вақтда қўрқув ҳақида сира ўйлаганим йўқ, шер молларни ўлдириб қўйини мукин эди-да», деди кейинчалик еш чўпон. Ҳозир у касалхонада даволяпти. Эндиликда ҳамқишлоқлари уни хурмат билан «Шерлар қирочиси» деб аташмоқда.

# ИЖАРА МАРШРУТЛАРИ

## • Бу янгиликдан хабарингиз борми?

1 февралда Тошкент шаҳрининг 9 та маршрути бўйлаб қатновчи 115 та автобуснинг 230 ҳайдовчиси ижара пудрати асосида пойтахтликларга хизмат кўрсата бошлади. Ана шу мусоабат билан мухбиримиз «Ташкорнастра» бирлашмаси бошлигининг ўринбасари С. Н. Аъзамов билан уршиб, суҳбатда бўлди.

Саъдулла Неъматович, шаҳримиздаги автобус маршрутларининг абонемент системасида яъни кассасиз ишлаб бошлаганига ҳали ҳеч қанча бўлгани йўқ. Шунга қарамай, уларнинг айримлари 1 февралдан ижара пудратда ишламоқда. Бунинг боиси нимада?

Прогрессив иш методларидан ҳисобланган абонемент системасига ўтишдан аввал шаҳримиз транспортларида текшириш ўтказилган эди. Ана шунда кунига пассажирларнинг 500 мингга яқини яъни 25 проценти йўл кира ҳақини тўламай юрганлиги маълум бўлди. Шу сабабли ҳам биз абонемент системасига ўтишга қарор қилган эдик. Лекин бу усул ҳам ўзини оқламапти. Ўтган йилги текширишлар ҳақ тўламай юрган пассажирлар сонини янада ортанглигини кўрсатди. Транспорт воситаларидан фойдаланувчи кишиларнинг 54 проценти йўл ҳақини тўламапти. Бу эса

корхоналарнинг иқтисодий рабатлантириш фондларининг кескин камайишига олиб келди. Шунингдек, айрим ҳайдовчилар ҳам ўз ишларига совуққонлик билан қарай бошладилар. Меҳнат интизоми, аҳолига хизмат кўрсатиш маданияти қўпол равишда бузила бошлади. Пассажирлар томонидан у ёки бу маршрут бўйлаб қатновчи автобусларга иқтисодий эътирозлар билдирилмоқда. Шу сабабли ҳам биз янги иш методини қўллаб кўрмоқчимиз.

Шаҳримиздаги қайси маршрутлар ижара пудратига ўтди?

Пойтахтимизнинг 2-, 3-, 8-, 12-, 18-автобус паркларига қарашли 11-, 43-, 40-, 64-, 67-, 85-ҳамда 116-экспресс, 16-, 31-оддий маршрутлари ана шу усулга ўтиб ишлаб бошладилар.

Маазкур маршрутларда кира ҳақлари ўзгарганими?

Деярли ўзгармаган. Олдий маршрутларда — 5 ти-

йин, экспрессларда — 10 тиин. Йўл кира ҳақи бекатларда ҳайдовчиларнинг ўзига тўланади. Баъзи бир «Икарус» автобусларида эса кондукторлар хизматидан фойдаланилмоқда. Мазкур маршрутларда абонементлар ўтмайди. Ойлик йўл картчалари ўз кучида қолади. Автобусларда бегул юриш имконига эга бўлганлар ҳақ тўлашдан озод қилинадилар.

Ижара усулида ишлаётган ҳайдовчилар қандай имтиёзга эга ва ушбу янгиликдан қандай натижалар кутилмоқда?

Ҳайдовчилар планга қўшимча равишда топириган маблағнинг бир қисми ой охирида ҳисоб-китоб қилиниб, маршрут бригадаси аъзолари маошига қўшилади.

Транспорт ҳаракатини яхши йўлга қўйиш, хизмат маданиятини кўтариш, автобус сарф-харажатларини қоллаш мақсадида икки ой давомида ўтказилган бу тажриба ўзини оқласа, шаҳримиз барча автобус маршрутларини ана шу усулга ишлашга ўтказмоқчимиз.

А. ШЕРОВ.



Ичманг, деб насихат қилишнинг қараганда калтаклашмини соғиниб қолганга ўхшайсан-а, хотин...



Арзмаган уриш-жанжалга аралашгани учун ўлимни қамамоқчимизсиз! Устингиздан арз қиламан.



Арзмаган 5 тўнинга шунчаликми!  
— Нима, мен сизнинг болачаганимиз боқиб беришим керакми, синглим.



Дадаси, сиз ҳам эркакларга ўхшаб гўшт-пўшт, қандурс кўтариб келсангиз бўлмайми!  
М. Унгаров чизган расмлар.

РАССОМ

ХАНДАЛАРИ

## КИМ КЎП ТУХУМ ЕЙДИ?

ТОВУҚ тухумини энг кўп истеъмол қиладиганлар сирасига Европада Чехослования ва Венгрия аҳолиси олдига тушади-ганлар ҳали топилмай турибди. Бу мамлакатларда киши бошига йилга 290 донадан тухум тўғри келар экан. Поляклар, канадаликлар ва шведлар эса бу соҳада уларга етай деб қолди.

## • Реклама ва эълонлар •

### ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

ТОШКЕНТДА  
БИРИНЧИ МАРТА  
Жаҳонда ягона бўлган  
**«ДЕНГИЗ  
ҲАЙВОНЛАРИ»**  
АТТРАКЦИОННИНГ  
(денгиз шерлари,  
сивучлар)  
ГАСТРОЛЛАРИ  
Ҳайвон ўргатувчилар —  
Татьяна ва Васлий ТИМ-  
ЧЕНКОЛАР.



«Цирк айиқлари» томошаси. Ҳайвон ўргатувчилар— Людмила ва Александр ГРЮКОВлар.  
УССРда хизмат кўрсатган артист Виктор МАКСИМОВ раҳбарлигида «ЧЕРЁМОШ» акробатик ансамблининг чиқишлари.  
Машҳур пародиячи-комик Валерий КОЛОБОВ. Икки бўлимдан иборат катта ранг-баранг программа. Билетлар олдиндан сотилмоқда.  
Коллектив бўлиб келиш учун заявқалар қабул қилинади.  
Қишлоқ жойлардан келган томошабинларга навбатдан ташқари хизмат кўрсатилади.  
Томошалар — соат 19.30 да, шанба кўни — соат 16, 19.00 да, якшанба кўни — соат 12, 15, 18.00 да бошланади.  
Касса дам олин кунларисиз соат 10 дан 20.00 гача ишлайди.  
Справқалар учун телефонлар: 44-35-91, 44-35-84, 44-28-04.

Редактор  
Н. НАСИМОВ.

### ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

(«Ташкентская правда») Орган Ташкентского обкома Коммунистической партии Узбекистана и областного Совета народных депутатов  
Издается на узбекском языке  
Редакция адрес:  
700083, ГСП, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32  
ТЕЛЕФОНЛАР: 33-40-48, 32-53-54 хатлар ва оммавий ишлар бўлими.